

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭКОЛОГИЯ ВА АГРАР ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ

**Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик
жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари
мавзусида ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Бажарди:4-курс“Тадбиркорлик ҳуқуқи
фаолият”йўналиши талабаси
Абдуллаева Анаби Адилбековна**

**Илмий раҳбар: “Экология ва аграр ҳуқуқи”
кафедраси профессори,юридик фанлар доктори
Холмўминов Жуманазар Тоштемирович**

Тошкент - 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-9
I-БОБ. Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликка умумий тавсиф	10-31
1.1.Сувни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қонунчилиги соҳасидаги ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва турлари.....	10-26
1.2. Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси ва турлари.....	27-31
II-БОБ. Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик умумий тавсиф турлари	31--48
2.1.Сув қонунчилигини бузганлик учун интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик.	31-32
2.2. Сув қонунчилигини бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик..	33-36
2.3.Сув қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги	36-45
2.4. Сув қонунчилигини бузганлик учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарлиги....	45-48
III-БОБ.Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик соҳасида МДХ мамлакатлар тажрибаси ва трансчегаравий муаммолар	49-55
ХУЛОСА	56-57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ..	58-65

КИРИШ.

Мавзусининг долзарблиги. Сув – сайёрамиз биохилма–хиллиги ва экотизимнинг ҳаёт манбаи. Гарчи Ер шарининг 71 фоиз қисми сув билан қопланган бўлса–да, чучук сув умумий сув миқдорининг салкам 2 фоизинигина ташкил этади, холос.

Сув табиатнинг бебаҳо ва ноёб бойлиги, бутун тирик мавжудоднинг, яъни инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳаёт манбаи бўлиб, табиат ва жамият тизимида пайдо бўладиган био–экологик ва ижтимоий жараёнларда унинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабдан, сув бойликлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ушбу табиат бойлигидан тежамкорлик асосида аниқ мақсадли ва оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **2014 йилни «Соғлом бола йили»¹**-деб эълон қилиниши жамиятимизда табиат бойликларидан, жумладан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳам тақазо этади.

Мутахассисларнинг тадқиқот натижаларига қараганда, глобал исиш, ҳароратнинг кўтарилиши ҳисобига Марказий Осиёдаги мавжуд музликларнинг захираси 2015 йилга бориб, 40–50 фоизга камайиши тахмин қилинаёпти, бу эса сув таъминотини 20–30 фоизга қисқаришига олиб келади.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йил Рио–де–Жанейро шаҳрида “Атроф муҳит ва тараққиёт” мавзуида бўлиб ўтган конференциясида ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида “Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш гарови” мавзуидаги давра суҳбати² жаҳон жамоатчилигининг эътибори сув муаммосига қаратилди.

¹ Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ривожлантириш ёруғ келажакимиз асосий омилидир. //Халқ сўзи, 2013,7 декабрь

² Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш гарови. //Халқ сўзи, 2014, 1 май

Сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш, соф саклаш масалаларини йўлга қўйиш юзасидан таклифлар қабул қилинди. Айни вақтда ер юзидаги 6 миллиард аҳолининг 1,2 миллиард нафари тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,3 миллиард нафар одам санитария ҳолати талаб даражасига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Яна бир муаммо, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. Бундай ҳолат 2005 йилга бориб, ҳар 10 нафар одамнинг 6 нафари тоза ичимлик суви танқислиги муаммосини бошдан кечириши эҳтимоли бор, деганидир. Шунинг учун ҳам бу соҳада бир қатор муаммолар бор.

Ўзбекистон Республикаси суғориладиган деҳқончиликка асосланган агро-индуриал давлат ҳисобланади. Мамлакат ҳудудида суғориладиган ерлар бор-йўғи 4,3 млн. гектарни ташкил этсада, у қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90-95 фоизини етиштириб беради, яъни аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда суғориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга. Демак, сув мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий восита ролини ўйнайди. "Суғориладиган ҳудудларда сув табиатнинг бебаҳо бойлигидир, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, - бутун ҳаёт сув билан боғлиқ. Зотан, сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тугайди"¹.

Мамлакатимиз шароитида сув заҳираларининг кескин тақчиллиги, Орол муаммоси, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга сув ресурсларининг етишмаслиги Ўзбекистоннинг изчил ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши мумкин бўлган асосий омиллардандир. Сувдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, сувни адолатли тақсимлаш, эҳтиёжга қараб иш тутиш, дарёларнинг юқори ва қуйи оқимларидаги минтақалар сув истеъмолчилари ва экотизимлар ўртасида келишувга эришиш Ўзбекистон ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатлар учун муҳим ҳаётий масалалардандир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов "Орол муаммосига халқаро ҳамжамиятнинг янгича назар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистан буюк келажак сари.– Т.: Ўзбекистон, 1999, 573 –бет.

билан қараши ва англаб етишини шакллантиришга ёрдам бериши ҳамда Марказий Осиё минтақасининг аҳоли генафонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш мақсадида ўта самарали ҳамкорлик учун асос бўладиган вазиятни яхшилаш буйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беришга ишончим комил”,¹ - деб таъкидлаган сўзлари юқорида кўрсатилган сув билан боғлиқ экологик муаммоларни ижобий ҳал қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, Ўзбекистон сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида халқаро ташкилотлар билан ҳам фаол ҳамкорликни йўлга қўйганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 мартдаги №79-сонли “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги², 2009 йил 10 августдаги № ПҚ-1172-сонли “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги³ қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 августдаги №252-сонли “БМТнинг Тараққиёт дастури иштирокидаги “Зарафшон дарёси ҳавзасида сув ресурсларини интеграцияли бошқариш ва сувни тежаш режаси” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Ушбу муаммони ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сонли қарори билан тасдиқланган “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури”да⁴ асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Юқорида кўрсатилганлардан кўриниб турибдики, сув ресурслари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Орол муаммоларини бартараф этиш йўлидаги халқаро ҳамкорлик” мавзусидаги ўтказилган конференция иштирокчиларига табриги.// Халқ сўзи,- 2008 йил, 13 март.

² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 13-сон, 144-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил., 8-сон, 319-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 37-38-сон, 382-модда.

Ўзбекистон учун фақат аҳоли, саноат ва деҳқончиликни сув билан таъминлайдиган манбаи бўлибгина қолмасдан, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик ҳолатнинг маълум даражада сақлаб турувчи омил эканлигини таъкидлаш ўринли.

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топаётган шароитда, қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилаётганда, фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда асосий субъект сифатида фаолият юритаётганлиги, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг ташкил этилганлиги, сувдан фойдаланишнинг ҳавза бошқарувиға ўтилганлиги муносабати билан сувдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди.

Ушбу мавзуни ўрганишнинг ўта долзарблиги ҳаракатдаги сув қонунчилигини бугунги кун талабидан орқада қолганлиги, сувдан фойдаланиш билан боғлиқ кўпгина муносабатлар (режалаштириш, лимитлаш, сув учун ҳақ тўлаш, шартнома тузиш ва ҳоказо) етарли даражада тартибга солинмаганлигида, сув қонунчилигини такомиллаштириш зарурияти кун тартибида турганлигида ҳам кўриш мумкин. Ва, ниҳоят, республикамиз мисолида сув ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган илмий муаммоларни жуда кам ўрганилганлиги ушбу мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Муаммоннинг ўрганилганлик даражаси. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар собиқ иттифоқ даврида бир қатор ўзбек аграр-ҳуқуқшунос олимлари томонидан тадқиқ этилган. Бу соҳада ХХ асрнинг 70-йилларида ушбу муаммо Ф.М.Тюльпанов томонидан ўрганилган. Унинг Ўзбекистон Республикаси жамоа ва давлат хўжалиги мисолида қишлоқ хўжалик корхоналарининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи¹ мавзусидаги номзодлик диссертациясида сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий муаммолари, юридик табиати, ўзига хос хусусиятлари кенг очиб берилган.

Шунингдек, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи масалаларига И.А. Черкашина

¹ Тюльпанов Ф.М. Право сельскохозяйственных предприятий на материалах колхозов и совхозов Узбекской ССР. // Автореферат диссертации кандидат юридических наук, Алма-ата, 1979

асарларида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унинг илмий тадқиқот иши хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналарининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқига бағишланган бўлиб¹ хўжаликлараро қишлоқ хўжалик ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сувдан фойдаланишга доир субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларини моҳиятига бағишланган.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи масалалари билан шуғулланган яна бир ўзбек олимаси Л. П. Эшонқуловадир. Унинг илмий тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг томорқа хўжалиги юритиш учун сувдан фойдаланиш ҳуқуқий муаммоларига² бағишланган бўлиб, фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси, мазмуни, сув қонунчилиги бузилганда юридик жавобгарлик масалалари моҳияти батафсил ёритилган.

Бундан ташқари, суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий муаммолар Ж.Т.Холмўминовнинг докторлик диссертация ишида ҳам атрофлича ўрганилган.³

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги йилларида сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш масалалари атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари билан бевосита шуғулланган мамлакатимизнинг таниқли эколог ҳуқуқшунос олимлари Й.О. Жўраев, Ж.Т. Холмўминов, Ш.Х. Файзиев, Ҳ.Ш. Ҳайитов, Н.К. Скрипников, томонидан у ёки бу даражада ўрганилган⁴. Уларнинг асарларида табиат объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг умумий тамойиллари, давлатнинг экологик сиёсати, функцияси, фуқароларнинг атроф

¹ Черкашина И.А. Право водопользования межхозяйственных, сельскохозяйственных предприятий в современных условиях // Автореферат диссертации кандидат юридических наук - Алма-ата, 1991.

² Эшонқулова Л.П. Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи // ю.ф.н. диссертацияси автореферати - Т., 1997.

³ Холмўминов Ж.Т. Эколого-правовые рационального использования и охраны орошаемых земель в Республике Узбекистан. // Автореферат дисс. на соис.учен. степ.д.ю.н.. Алматы, 1997.

⁴ Жўраев Ю.О. Вопросы право собственности на природные ресурсы в Узбекистане//Экономика и право. 2000, №3, 12-18 бетлар. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экономической политики Республики Узбекистан.-Т.: ТГЮИ, 2004, 246 бет; Холмўминов Ж.Т. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати. Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ. 2008, 46-бет;Ҳайитов Ҳ.Ш. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари.//ю.ф.н. диссертация Автореферати. Тошкент, 2009.24-бет. Скрипников Н.К. Право водопользования, водопотребления и охрана вод. - Тошкент, ТГЮИ, 2011, 382- бет.

табiiй мухитга бўлган ҳуқуқлари ва сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари тадқиқ этилган.

Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалаларини ўрганишга 2011 йилда чоп этилган “Сув ҳуқуқи” дарслигида ҳам алоҳида эътибор қаратилган.¹

Шунингдек, сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик муаммолари билан шуғулланган МДХ олимларининг номини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Уларга О.С. Колбасов, С.Б.Байсалов, Т.Г.Калиниченко, У.Ж.Юсупов ва бошқаларни санаб кўрсатиш ўринлидир².

Малакавий ишининг мақсади. Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик муаммоларини ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, сув ҳуқуқи назариясини бойитиш, сув қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

-сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси, ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш ва таҳлил этиш;

-сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик субъектлари ҳуқуқий мақомини ўрганиш ва илмий жиҳатдан моҳиятини тадқиқ этиш;

-сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик бўйича ҳуқуқбузарлик турларини таҳлил этиш, уларнинг таркиби ва мазмунини ёритиш;

-сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарликка доир қонунчиликни бузганлик муаммоларини таҳлил этиш;

-сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Малакавий ишининг объекти сув қонунчилигини бузганлик учун

¹ Сув ҳуқуқи. Дарслик. //ю.ф.д., проф. Ж.Т.Холмўминовнинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Б.Усмонов. Тошкент, ТДЮИ, 2011. – 312 б.

² Колбасов О.С. Теоритические основы право пользования водами в СССР. - М.: Наука, 1972; Байсалов С.Б. Водное право Казахской ССР. - Алма-ата: Наука, 1966; Калиниченко Т.Г. Право сельскохозяйственного водопользования - М.: Наука, 1989; Юсупов У.Ж. Право сельскохозяйственного водопользования в Киргизской Республике. Автореферат дисс. на канд. юрид. наук. Тошкент, 2008, ст 24.

юримдик жавобгарлик бўлиб сувдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг предметини бозор иқтисодиёти шароитида сув қонунчилигини бузганлик учун юримдик жавобгарликка доир масалалар ташкил этади.

Малакавий ишни натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий фикрлар ва қоидалар сув ҳуқуқи назариясини бойитишга хизмат қилади, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи институтининг юримдик табиати ва таснифини белгилаб беради, сув қонунчилигини бузганлик учун юримдик жавобгарлик ҳамда сув қонунчилигини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Шунингдек диссертация материалларидан “Табиий ресурслар ҳуқуқи”, “Аграр ҳуқуқи”, “Ер ҳуқуқи”, “Экология ҳуқуқи”, “Трансчегаравий сувлар ва атроф муҳит халқаро ҳуқуқи” фанларидан маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, иш материалларидан ҳуқуқни ва табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимлари амалий фаолиятида ҳам фойдаланиш мумкин.

Малакавий иш натижаларининг жорий этилиши. Ўтказилган тадқиқот иши материалларидан ТДЮУда “Экология ҳуқуқи”, “Ер ҳуқуқи”, “Аграр ҳуқуқи”, “Энергетика ҳуқуқи”, “Табиий ресурслар ҳуқуқи”, “Трансчегаравий сувлар ва атроф муҳит халқаро ҳуқуқи”, фанларидан маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

Малакавий ишни тузилиши ва ҳажми. Малакавий иш кириш, 6 параграфни қамраб олган 3-боб, хулоса ва 84 та фойдаланилган адабиётларни ташкил этади. Малакавий ишнинг ҳажми 61 бетдан иборат.

I-БОБ. СУВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИККА УМУМИЙ ТАВСИФ

1.1.Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси, турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашда юридик жавобгарлик, яъни сувдан фойдаланиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жазо чораларини самарали қўллаш муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Сув ҳуқуқида сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик алоҳида институт сифатида тан олинади.

Сувлардан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жазо чораларини белгиловчи ҳуқуқ нормалари давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги сув тўғрисидаги қонунларига оғишмай риоя қилишлари, сувдан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва умуман, сув муносабатлари соҳасидаги қонунларга изчил риоя қилинишини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув ресурсларидан фойдаланувчилар ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишлари, уни муҳофаза қилишлари шарт. Агар ушбу талабларга риоя қилинмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, тегишли ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд эканлигини эслатиш лозим. Сув тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 114–116-моддаларида ўз аксини топган.

Умумий қонун талабларига кўра, сув қонунчилигини бузганлик учун интизомий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида юридик жавобгарликнинг белгиланмаганлиги сабабли сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун бошқа: меҳнат, фуқаролик,

маъмурий, жиноят қонунларида назарда тутилган жазо чоралари қўлланилади. Шунинг ҳам айтиш лозимки, ушбу қонунларда белгиланган жазо чораларини қўллаш учун сувдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши билан бир вақтда меҳнат, маъмурий ва бошқа қонун нормалари ҳамда талаблари ҳам бузилиши мумкин.

Сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликка тортишнинг асоси бўлиб, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилганлиги ва шу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонунда тегишли жавобгарлик чораларининг белгиланганлиги ҳисобланади.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 115-моддасига биноан, сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Хусусан, жавобгарликка тортиш асоси сифатида қуйидаги ҳуқуқбузарликларни кўрсатиш мумкин:

- сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш ҳамда давлатнинг сувга эгаллик ҳуқуқини ошқора ёки яширин шаклда бузиш;
- сув объектларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ёки сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш;
- сувдан фойдаланиш лимитларини бузиш дарёларни булғаш, ва ифлос қилиш;
- сувни булғаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини оладиган иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган корхоналарни, коммунал объектларни ва бошқа объектларни ишга тушириш;
- сувдан (сув объектларидан чиқариб ёки ажратиб олинган сувдан) хўжасизлик билан фойдаланиш;
- сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиб, унинг ифлос бўлиши, тупроқни сув ювиб кетиши ва бошқа зарарли ходисалар рўй беришига сабаб бўлиш;
- сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказиш ва уларни вайрон қилиш;

- сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузиш;
- сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриш;
- сув ҳақи ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун солинган жарималарни ўз вақтида тўламаслик;
- режаларда кўзда тутилиб, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, шунингдек сув ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи гидротехника, технология, ўрмон-мелиорация, санитария-техника тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга оширмаслик;
- водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш;
- фойдаланиш ва кузатиш қудуқларини йўқ қилиб ташлаш ёки уларга зарар етказиш;
- сув қудуқларини бурғулашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузиш;
- сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қуришнинг меъёрий муддатларини барбод қилиш;
- қурилиши тугалланмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир этувчи кам-кўстни тўғриламай ва лойиҳадан четга чиқишлар билан фойдаланишга топшириш;
- сувни муҳофаза қилиш теграларига риоя этмаслик;
- сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат ҳисоботларини тақдим этмаслик ёки ушбу маълумотларни бузиб кўрсатиш;
- табиатни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаслик;
- алоҳида қўриқланадиган сув объектлари режимини бузиш.

Хуллас, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик – бу сувдан самарали ва оқилона фойдаланишга ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини

топган маълум чоралар тизими бўлиб, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга ҳамда сув тўғрисидаги қонунчилик талабларини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузганлик учун юридик жавобгарлик доимо долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бу масалаларни ўрганиш, муаммоларни ечиш ва тегишли қонун ҳужжатлари ва улар ижроия амалиётини такомиллаштириш кўп муаллифларнинг диққат-эътиборларида бўлган¹. Айниқса мустақиллик йилларида мазкур масалага бағишланган бир қатор илмий ишлар яратилди. Мазкур илмий ҳуқуқий манбалар дарслик², илмий-назарий анжуман ва давра суҳбатлари тўплами³, диссертация,⁴ илмий монография ва мақолалар⁵ шаклида чоп этилган.

Сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда сувлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган юридик жавобгарлик нормаларини аниқ белгилаш ва шу хилдаги ҳуқуқбузарлик учун жазо чораларини қўллаш асосий ўринни эгаллайди. Демак, юридик жавобгарлик нормаларини ўз вақтида аниқ ва тўғри қўллаш сувдан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг, бу соҳада юз берадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

¹ Колбасов О.С. Теоритические основы право пользования водами в СССР. - М.: Наука, 1972; Байсалов СБ. Водное право Казанской ССР. - Алма-ата: Наука, 1966; Калининченко Т.Г. Право сельскохозяйственного водопользования - М.: Наука, 1989;

²Сув ҳуқуқи. Дарслик. /ю.ф.д., проф. Ж.Т.Холмўминовнинг умумий тахрири остида. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Б.Усмонов. Тошкент, ТДЮИ, 2011. – 312 б.

³ Правовое регулирование пользования и охраны водных и рыбных ресурсов Республики Узбекистан. Тошкент. ТДЮИ.20006,-130 стр.

⁴Черкашина И.А. Право водопользования межхозяйственных, сельскохозяйственных предприятий в современных условиях // Автореферат диссертации кандидат юридических наук - Алма-ата, 1991; Эшонкулова Л.П. Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи // ю.ф.н. диссертацияси автореферати - Т., 1997.

⁵ Холмўминов Ж.Т; Холмўминов О.Ж. Юридическая ответственность за нарушение водного законодательства. Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. ТДЮИ, 2007,- 28-37 бетлар. Скрипников Н.К. Трансграничное водопользование в Центральной Азии (правовой аспект) Тошкент, ТДЮИ, 2004, 204 стр; Скрипников Н.К. Право водопользования, водопотребления и охрана вод. - Тошкент, ТГЮИ, 2011, 382- бет.

Умумий қоидага кўра, сув ҳуқуқбузарлиги деганда сув ҳуқуқи нормаларига қарши қаратилган ижтимоий зарарли, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Демак, сув ҳуқуқбузарлиги аввало сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга қаратилган қонунлар нормаларини бузишдан келиб чиқади. Бундай нормалар "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган. Ушбу қонунларнинг сув муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган нормаларини бузиш, ўз навбатида сув ҳуқуқбузарлигини содир этилишига олиб келади. Сув ҳуқуқбузарлигига берилган ушбу таърифдан кўриниб турибдики, албатта бунда айбдорнинг айбли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги бўлиши, ушбу айбли ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бўлиши лозим. Шундагина биз, сув муносабатларини тартибга солувчи қонунлар нормалари бузилганда, уларни сув ҳуқуқбузарлиги деб ҳисоблашимиз мумкин.

2014 йил, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда сув қонунчилиги талабларига риоя қилиш борасида 6 комиссия ишида иштирок этиб, унда 17 та шикоятлар кўриб чиқилди. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларининг бажарилишини назарот қилиш юзасидан "Тоза сув ўзани"тадбири чегарасида 33 та мақсадли рейдлар ўтказилди.¹

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунида кўрсатилишича, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонунларни бузиши натижасида етказган зарарларни қонунларда кўзда тутилган тартибда қоплашга мажбурдирлар. Демак, давлатнинг сув бойликларига бўлган мулк ҳуқуқига сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш орқали етказилган зарар тўла ҳажмда қопланиши керак. Ушбу қонун нормасидан кўриниб турибдики, сув ҳуқуқбузарлиги содир этилганда, у албатта, бартараф қилиниши, ҳуқуқи бузилган сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари тикланиши лозим. Сув тўғрисидаги қонуннинг бу қоидаси сувдан

¹ Текширувда аён бўлди. Тошкент оқшоми, 2014, 30 апрель

фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, давлат сув бойликларининг эгаси сифатида сув ресурсларини фойдаланиш учун муддатсиз ёки бирор-бир муддатга беради. У ҳар бир табиий бойликка, жумладан, сув фондига ҳуқуқий ҳолатни ўрнатади ва ўзида сувга нисбатан мулк эгаси ҳуқуқини сақлаб қолади. Шунинг учун, юридик адабиётларда ҳар қандай кўринишдаги сув ҳуқуқбузарлиги, аввало, давлатнинг сувга нисбатан мулк эгаллик ҳуқуқини бузиш деб қаралиши ҳақида тўғри фикрлар мавжуд.¹

Шу сабабли, сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш фақат сувдан фойдаланувчиларнинг манфаатларигагина путур етказмасдан, балки бутун жамиятнинг, давлатнинг манфаатларига ҳам зиён келтиради.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузувчилар бўлиб ёки бу хилдаги ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари бўлиб, фермер хўжаликлари, шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва уларнинг хизматчилари, ишчилари ва бошқа фуқаролар ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузувчилар бўлиб, қонунга ҳилоф равишда фармойишлар чиқарган, кўрсатмалар берган давлат органлари ҳам бўлиши мумкин.

Сув ҳуқуқбузарлигининг объекти бўлиб, давлатнинг сувга нисбатан мулк (эгаллик) ҳуқуқи, сувдан фойдаланиш тартиб-қоидалари, сув хўжалиги корхоналарининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, фермер, деҳқон хўжаликлари аъзолари, ишчилар ва бошқа фуқароларнинг сувдан фойдаланувчи сифатидаги манфаатлари ҳисобланади.

Сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишдаги ҳуқуқбузарликларнинг мазмунини сувдан фойдаланувчига моддий, ижтимоий, шунингдек, экологик зарар келтирувчи ҳуқуққа қарши айбли ҳаракат ёки

¹ Холмўминов Ж.Т; Холмўминов О.Ж. Некоторые проблемы право собственности на землю и воды в Республике Узбекистан.// Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. Тошкент, ТДЮИ, 2007,- 24-34-бетлар.

ҳаракатсизлик ташкил этади. Сув юзасидан ғайриқонуний битимлар тузиш, сувларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, сувларни ифлослантириш ва бошқалар ҳаракат натижасида содир қилинса, сув ҳолатини яхшилаш чоратадбирларини бажармаслик, сув ҳолатини ёмонлаштириш, сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза этиш ҳолати талабларига риоя қилмаслик ёки уларни бажармаслик ва бошқа шу кабилар ҳаракатсизлик билан содир қилинади.

Сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишдаги ҳуқуқбузарликлар қасддан содир этилиши, яъни давлат органлари, жамоа, давлат, кооператив корхоналарининг мансабдор шахслари сувдан фойдаланувчи фуқаролар сувдан фойдаланиш ёки уни тасарруф этишда ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида содир этаётганликларини биладилар, уларнинг оқибатларини англайдилар ва онгли равишда ўз-ўзига ишониш ва бепарволик орқасида бу оқибатларни келиб чиқишига йўл кўядилар. Юқорида айтилган ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик оқибатида ҳам содир этилиши мумкин. Яъни, ҳуқуқбузар содир қилаётган ғайри-қонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидан келиб чиқадиган зарарли, хавфли оқибатини англаб, тушуниб этади, лекин шунга онгли равишда енгилтаклик билан йўл кўяди¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш керакки, юридик адабиётларда сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, сувдан фойдаланиш муносабатларига ғайри-қонуний тажовуз, сувдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашни издан чиқариш, бунинг натижасида сувларни талон-тарож қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ғайриқонуний тортиб олиш ва сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузувчи бошқа қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг содир этилиши тушунилади.

Шуни айтиш керакки, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳар хил ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар натижасида бузилиши мумкин, бу борадаги энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик турларини куйидагиларда кўришимиз мумкин: сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага

¹ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. - Тошкент.: Адолат, 1998. - 91-бет.

бериш ҳамда давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини ошкора ёки яширин шаклда бузадиган бошқа хил битимлар тузиш; сув объектларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ёки сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш; сувдан фойдаланиш лимитларини бузган ҳолда сув олиш; дарёларни булғаш ва ифлослантириш; сувни булғаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини оладиган иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган корхоналарни, коммунал объектларни ва бошқа объектларни ишга тушириш; сувдан хўжасизлик билан фойдаланиш; сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиб, унинг булғанишига, тупроқни сув ювиб кетишига ва бошқа зарарли ҳодисалар рўй беришига сабабчи бўлиш; сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказиш ва уларни вайрон қилиш; сув хўжалиги иншоотларини ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузиш; сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриш; сув ҳақи ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун солинган жарималарни ўз вақтида тўламаслик; режаларда кўзда тутилиб, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, шунингдек сув ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи гидротехника, технология, ўрмон-мелиорация, санитария-техника тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга оширмаслик; водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш; фойдаланиш ва кузатиш қудуқларини йўқ қилиб ташлаш ёки уларга зарар етказиш; сув қудуқларини бурғилашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузиш; сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қуришнинг меъёрий муддатларини барбод қилиш; қурилиши тугалланмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир этувчи кам-кўстини битирмай ва лойиҳадан четга чиқишлар билан фойдаланишга топшириш; сувни муҳофаза қилиш теғраларига риоя этмаслик; сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат ҳисоботларини тақдим этмаслик ёки ушбу маълумотларни бузиб кўрсатиш; табиатни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаслик; алоҳида кўриқланадиган сув объектлари

режимини бузиш ва бошқалар. Қонунларда сув тўғрисидаги қонунларнинг бошқа турдаги бузилишлари учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилиши мумкин.

Санаб кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар турлари билан чекланиш мумкин деган хулоса тўғри бўлмайди, ёхуд қонунда бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик турлари учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги¹ Қонуннинг 114-ва 115-моддаларида сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини бузишга қаратилган 21 та ҳуқуқбузарлик тури кўрсатилган. Шулардан биринчиси сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш ҳамда давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини ошқора ёки яширин шаклда бузадиган бошқа хил битимлар тузиш (114-модда.) ҳуқуқбузарлигидир. Маълумки, республикада сув давлат мулки - умуммиллий бойлик ҳисобланади. Шу сабабдан давлат сувдан фойдаланиш тартибини белгилайди, сувни фойдаланиш учун беради ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилади. Сувга нисбатан давлат мулкчилиги ўрнатилганлиги сабабли унга нисбатан корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ёки фуқаролар турли хил битимлар - олди-сотди, ҳадя, совға, ўзбошимчалик билан айирбошлаш, гаров каби шартномаларни тузишлари мумкин эмас. Ушбу хилдаги шартномаларни тузган юридик ва жисмоний шахслар сув ҳуқуқбузарлигини содир этган ҳисобланадилар.

Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг субъекти мансабдор шахслар ва фуқаролар бўлиши мумкин, объекти давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг сувга нисбатан бўлган ҳуқуқлари, субъектив томондан қасддан содир этилади, объектив томондан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилади. Айбдорларга нисбатан маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий жавобгарлик жазо чоралари қўлланилади.

Сув қонунчилигига кўра навбатдаги ҳуқуқбузарлик тури - бу сув объектларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ёки сувдан ўзбошимчалик

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993.- 5-сон, 221-модда.

билан фойдаланишдир.

Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасига кўра сув объектлари фойдаланиш учун махсус фойдаланиш рухсатномаси расмийлаштирилган ҳолда берилади. Демак, сувдан фойдаланиш тегишли давлат органларининг рухсати асосида амалга оширилади. Сув объектларидан қонунда белгиланганидан четга чиқиб ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёки эгаллаб олиш юридик жавобгарликни қўллашга асос бўладиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бу ҳилдаги ҳуқуқбузарлик асосан фермер, деҳқон хўжаликлари, фуқаролар томонидан содир этилади. Уни содир этганларга нисбатан маъмурий, фуқаровий, жиноий жавобгарлик жазолари қўлланилади.

Сувдан фойдаланиш лимитларини бузган ҳолда сув олиш алоҳида сув ҳуқуқбузарлиги турларидан биридир. Амалиётда бу турдаги ҳуқуқбузарлик кўп учрайди. Масалан, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани "Янги ҳаёт" канали муҳандиси Б.Диёров лимитдан ортиқча сувни фойдаланишга берган. Бу ҳуқуқбузарлик учун унга 2012 йил 2 июнда 7835 сўм жарима солинган ёки бошқа бир мисол Тошкент вилояти Зангиота тумани "Уфқ-равшан" сувдан фойдаланиш уюшмаси "Тўра ота" фермер хўжалиги раиси 2012 йил 9 мартда лимитда белгиланганидан ортиқча сув олган. Бу ҳуқуқбузарлик учун ундан 3265 сўм жарима ундирилган¹. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасига биноан сувдан фойдаланувчиларнинг барчасига нисбатан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби белгиланади. Сувдан фойдаланиш лимитлари сув манбалари, ҳавза ирригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар ва ҳар бир сувдан фойдаланувчи бўйича белгиланади, ер ости сувлари борасида эса Давлат геология ва минерал ресурслар ҳамда Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларни назорат қилиш давлат инспекцияси органлари билан келишиб белгиланади. Сувдан фойдаланиш лимитлари қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан

¹ Сув назорат инспекцияси маълумотномаси. 2012 й.

белгиланиб, унга риоя этиш идоравий бўйсунувидан қатъий назар, сувдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

Сув тармоқларининг, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг таъминоти, сув объектларини асраш ва тиклаш учун сувдан лимит бўйича фойдаланиш билан бир қаторда сувдан тўлиқ ва қисман ҳақ тўлаб фойдаланиш жорий этилади. Сув учун тўлиқ ёки қисман ҳақ тўлашни жорий этиш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, шунингдек бунга риоя этилишини назорат қилиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ушбу тартибни бузганларга нисбатан юридик жавобгарлик жазо чоралари қўлланилади. Бу хилдаги ҳуқуқбузарликларнинг субъекти асосан мансабдор шахслар бўладилар.

Навбатдаги ҳуқуқбузарликлардан бири, дарёларни булғаш ва ифлослантиришдир. Бу ҳуқуқбузарлик корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан саноат чиқиндиларини, оқова сувларни, ишлаб чиқариш чиқитларини сувга оқизиш йўли билан содир этилади. Ушбу ҳуқуқбузарлик субъектлари кўпинча корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, мансабдор шахслар бўладилар. Улар табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмасдан дарёларни ҳар хил чиқиндилар билан ифлослантиришга сабабчи бўладилар. Шу хилдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий, фуқаролик ҳуқуқий, жинойий жавобгарлик қўлланилади.

Сувни булғаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини оладиган иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган корхоналарни, коммунал объектларни ва бошқа объектларни ишга тушириш сув қонунчилигини бузувчи асосий ҳуқуқбузарлик турларидан бири ҳисобланади. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 11 ва 15-моддаларида белгиланишича, сувнинг ҳолатига таъсир ўтказадиган янги ва таъмирланган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишга тушириш, шунингдек янги технология жараёнларини жорий этиш чоғида аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва ичимлик сувга бўлган талабларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш шарти

билан сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш лозим. Бунда сув объектларидан олинадиган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувнинг зарарли таъсирини олдини олишни, ерларни сув босиш хавфини имкон қадар камайтиришни, ерларни шўрланишдан, зах босишдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирларни ўтказиш кўзда тутилади. Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш лойиҳалари сув объектларидан дам олиш ва спорт учун фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши лозим.

Сувнинг булғаниши ва ифлосланиши ёки зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олувчи қурилмалар билан таъминланмаган янги ва таъмирланган корхоналар, цехлар, агрегатларни, коммунал ва бошқа объектларни ишга тушириш: лойиҳаларда назарда тутилган ерларнинг сув босиши, захланиши, ботқоқланиши, шўрланишининг ҳамда тупроқ эрозиясининг олдини олиш тадбирлари амалга оширилмагунча суғориш ва сув билан таъминлаш тизимларини, сув омборлари ва каналларни ишга тушириш; тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, сув тўпланадиган ва бошқа иншоотларни қуриб битказмай туриб, зах қочириш тармоқларини ишга тушириш; тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ балиқларни сақлаб қолиш қурилмалари бўлмаган сув олиш иншоотларини ишга тушириш; тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, тошқин сувларни ва балиқларни ўтказиб юборадиган қурилмалари тайёр бўлмаган гидротехника иншоотларини ишга тушириш; ер ости сув захиралари тасдиқланмаган гуруҳли сув олиш иншоотларини ишга тушириш; сувни тартибга солувчи қурилмалар билан таъминламай туриб ва тегишли ҳолларда санитария муҳофазаси теғраларини белгиламай туриб, сув чиқариш учун бурғиланган қудуқларни ишга тушириш тақиқланади. Сув омборларини уларнинг ўзанини лойиҳада кўрсатилганидек тайёр қилиб қўйиш тадбирлари амалга оширилмагунча сув билан тўлдириш тақиқланади.

Бу шартларга риоя этмаслик ушбу ҳуқуқбузарликни келиб чиқишига

сабаб бўлади. Бу ҳуқуқбузарлик субъектлари фақат мансабдор шахслар бўлади, фуқаролар бу каби ҳуқуқбузарлик субъекти бўла олмайдилар. Айбдор мансабдор шахсга тегишли юридик жавобгарлик жазо чораси қўлланилади.

Сувдан хўжасизлик билан фойдаланиш амалиётда кўп учрайдиган ҳуқуқбузарлик тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 115-моддасида сувдан хўжасизлик билан фойдаланиш алоҳида мустақил ҳуқуқбузарлик сифатида кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 35-моддасида ўрнатилишича, сувдан фойдаланувчилар: сув объектларидан оқилона равишда фойдаланишлари, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, сувнинг сифатини қайта тиклаш ва яхшилаш тўғрисида қайгуришлари, сув олишнинг белгиланган меъёрларига риоя этишлари; ифлос моддалар аралашиб қолган оқинди сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тўхтатиш чораларини кўришлари; бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилган ҳуқуқларнинг бузилишига, шунингдек хўжалик ва табиат объектларига (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва ҳоказоларга) зарар етказилишига йўл қўймасликлари; сувни муҳофазалайдиган ва бошқа сув хўжалик иншоотларини ҳамда техникавий қурилмаларни соз ҳолда тутишлари, уларни ишлатиш сифатларини яхшилашлари, олинаётган сувни ҳисоб-китоб қилиб боришлари; сув ресурсларидан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўлашлари шарт.

Ушбу мажбуриятларни бажармаслик ва унга риоя қилмаслик сув ҳуқуқбузарлиги ҳисобланади. Бу хилдаги ҳуқуқбузарлик субъектлари фермер хўжаликлари, фуқаролар, бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар бўлади. Айбдорларга содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтмоий хавфлилик даражасига қараб интизомий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий ҳуқуқий жавобгарлик жазо чоралари қўлланилади.

Сув қонунчилигига биноан навбатдаги ҳуқуқбузарлик тури сифатида сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, уни булғаш, тупроқни сув ювиб кетиши ва бошқа зарарли ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлиш белгиланган. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 98-100-

моддаларига кўра, фаолияти сувларнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати органлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда технология, ўрмон-мелиорация ва агротехника, гидротехника, санитария-техника тадбирларини ўтказишлари шарт.

Ичимлик сув тариқасида ва маиший эҳтиёжлар учун, шифобахш, аҳолини даволаш ва соғломлаштириш ҳамда курорт эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган сувларни муҳофаза қилиш мақсадида қонунларга мувофиқ санитария муҳофазаси округлари ва теғралари, шунингдек алоҳида кўриқланадиган ҳудудлар белгилаб қўйилади.

Сувни муҳофаза қилишнинг санаб кўрсатилган тадбирларини бажармаслик сув ҳуқуқбузарлигини келтириб чиқаради ва айбдорлар юридик жавобгарликка тортилади.

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказиш ва уларни вайрон қилиш; сув хўжалиги иншоотларини ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузиш; сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриш; водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш; сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қуришнинг меъёрий муддатларини барбод қилиш; қурилиши тугалланмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир этувчи кам-кўстини битирмай ва лойиҳадан четга чиқишлар билан фойдаланишга топшириш сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини бузишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"¹ги қонуннинг 11, 14, 15, 16-моддаларида ўрнатилишича, сувнинг ҳолатига таъсир ўтказадиган янги ва таъмирланган корхоналар, иншоотлар ва бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993.- 5-сон, 221-модда.

объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишга тушириш, шунингдек янги технология жараёнларини жорий этиш чоғида аҳолининг сихат-саломатлигини сақлаш ва ичимлик сувга бўлган талабларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш шарти билан сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш лозим. Бунда сув объектларидан олинган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувнинг зарарли таъсирини олдини олишни, ерларни сув босиш хавфини имкон қадар камайтиришни, ерларни шўрланишдан, зах босишдан ёки қакраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирларни ўтказиш кўзда тутилади. Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш лойиҳалари сув объектларидан дам олиш ва спорт учун фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши лозим. Сувнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш лойиҳалари давлат экспертизасидан ўтказилади, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда бошқа органлар билан қонунларга мувофиқ келишиб олинishi лозим.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра айланма сув таъминотига ва бечикит технологияга ўтказилиши мумкин бўлмаган саноат корхоналарининг сув билан бетўхтов таъминлаш тизимларини лойиҳалаш ва қуришга йўл қўйилмайди. Сувнинг булғаниши ва ифлосланиши ёки зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олувчи қурилмалар билан таъминланмаган янги ва таъмирланган корхоналар, цехлар, агрегатларни, коммунал ва бошқа объектларни ишга тушириш: лойиҳаларда назарда тутилган ерларнинг сув босиши, захланиши, ботқоқланиши, шўрланишининг ҳамда тупроқ эрозиясининг олдини олиш тадбирлари амалга оширилмагунча суғориш ва сув билан таъминлаш тизимларини, сув омборлари ва каналларни ишга тушириш; тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, сув тўпланадиган ва бошқа иншоотларни кўриб битказмай туриб, зах қочириш тармоқларини ишга тушириш; тасдиқланган

лойиҳаларга мувофиқ балиқларни сақлаб қолиш қурилмалари бўлмаган сув олиш иншоотларини ишга тушириш; тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, тошқин сувларни ва балиқларни ўтказиб юборадиган қурилмалари тайёр бўлмаган гидротехника иншоотларини ишга тушириш; ер ости сув захиралари тасдиқланмаган гуруҳли сув олиш иншоотларини ишга тушириш; сувни тартибга солувчи қурилмалар билан таъминламай туриб ва тегишли ҳолларда санитария муҳофазаси теғраларини белгиламай туриб, сув чиқариш учун бурғиланган қудуқларни ишга тушириш; сув омборларини уларнинг ўзанини лойиҳада кўрсатилганидек тайёр қилиб қўйиш тадбирлари амалга оширилмагунча сув билан тўлдириш тақиқланади.

Сув объектларидан ўтувчи кўприklar, ўтиш йўллари ва бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш лойиҳалари қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда лозим бўлган ҳолларда энергетика органлари билан келишиб олинган ва тошқин сувларни ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувнинг булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетиш ҳолатига йўл қўймасликни, унинг зарарли таъсирини олдини олишни таъминловчи тадбирларни ўтказишга мўлжалланган бўлиши лозим.

Ушбу қоидаларни бузиш сув иншоотларидан фойдаланиш тартибини бузиш ҳисобланади ва юқорида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида сув қонунчилигини бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарликни қўллашга асос бўлади.

Сув қонунчилигида санаб кўрсатилган яна бир ҳуқуқбузарлик тури бу - сувни муҳофаза қилиш теғраларига риоя этмаслик ҳуқуқбузарлигидир. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасида кўрсатилишича, сув объектларининг соҳил бўйларида сув объектлари булғаланиши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш, уларнинг мақбул сув режими ва тегишли ҳолатини сақлаб туришга мўлжалланган сувни муҳофаза қилиш теғралари ва қирғоқ бўйи минтақалари ажратилади. Сув объектлари, сувни муҳофаза қилиш теғралари ва сув ҳавзаларининг соҳил бўйларида, ер ости сув манбалари ҳосил бўладиган махсус

қўриқланадиган минтақаларда сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган қурилиш, ўзан тубини чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмалар ва сув ўсимликларини олиш, кабеллар, қувурлар ва бошқа коммуникациялар ўтказиш, дарахтларни кесиш, пармалаш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва бошқа хил ишлар қонунларга мувофиқ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ва бошқа органлар билан келишиб бажарилади. Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи барча ишлар сув қонунчилиги талабларига мувофиқ равишда, илмий асосланган меъёр ва қоидалар асосида қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, ўрмон хўжалиги, коммунал хўжалик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бу тартибни бузиш юридик жавобгарлик жазо чораларини қўллашга сабаб бўлади.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, сув объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда сув ҳақи ва сувдан фойдаланиш учун қоидаларни бузганда солинган жарималарни ўз вақтида тўламаслик; фойдаланиш ва кузатиш қудуқларини йўқ қилиш ва уларга зарар етказиш; сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат ҳисоботларини тақдим этмаслик ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш; алоҳида қўриқланадиган сув объектлари режимини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар учун ҳам юридик жавобгарлик жазо чоралари қўлланилади.

Хуллас, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик – бу сувдан самарали ва оқилона фойдаланишга ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган маълум чоралар тизими бўлиб, сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга ҳамда сув тўғрисидаги қонунчилик талабларини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

1.2. Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси ва турлари

Сув объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали ва оқилона фойдаланишда қонунларда белгиланган жазо турлари ва чораларини тегишли тартибда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қонунларда ўрнатилган сувдан нотўғри фойдаланганлик учун жавобгарликка тортувчи жазо чоралари белгиловчи ҳуқук нормалари сувдан фойдаланувчи фуқароларни, шунингдек, сув фондини тасарруф этувчи давлат органлари ёки мансабдор шахсларни сув бойликларидан қонунда белгиланган тартибда, аниқ мақсадда фойдаланишга мажбур этади.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганда қўлланиладиган жазо чоралари давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги сув тўғрисидаги қонунларига оғишмай риоя қилишлари ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ва умуман сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни таъминлашда алоҳида роль ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун юридик жавобгарлик жазо чоралари бугунги кун талаби даражасида дейиш қийин.¹ Биринчидан, сув муносабатлари соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг барчаси учун ҳам ҳаракатдаги қонунларда етарли даражада жавобгарлик жазо чораси ўрнатилмаган. Иккинчидан, сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қонунларда ўрнатилган жазо чораси содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий, иқтисодий зарарига нисбатан солиштирганда анча енгилдир ва учинчидан, амалиётда сув ҳуқуқбузарлиги содир этилган барча ҳолатларда ҳам жазо чораси тўла қўлланилаяпти деб бўлмайди, яъни қонунларда ўрнатилган жазо чораларини амалиётда амалга ошириш механизми талаб даражасида эмас.

¹ Холмўминов Ж.Т. Сувни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий чоралари. Тошкент.,2008, 24-бет.

Шу сабабдан, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солидиган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик жазо чоралари масалаларини ўрганиш, содир қилинаётган ҳуқуқбузарликлар учун жазо чоралари самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш, шундай тавсиялар билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари нормаларининг санкцияларини кучайтириш, умуман, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик муаммолари устида илмий-назарий изланиш ишлари олиб бориш ҳам назарий, ҳам илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ ҳўжалигида сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қўйидаги чоралари мавжуд: 1. Умумий чоралар. Бу чораларни қўллаш орқали сувдан фойдаланиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларнинг олди олинадиган ва уларни содир этилишига йўл қўйилмайди.

Сувдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадилар. Сувлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга: сувлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш, мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатлар ва материалларни олиш; сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш; айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарни ўрнини қоплаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар юбориш; сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун сувдан фойдаланишни бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ердан

фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тақдим қилиш; сувдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлар ва ахборотларини эшитиш; сувдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида қатнашиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг сувдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар давлат органи сувдан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақли. Сувдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларини тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

2. Компенсацион чоралар. Бу чоралар асосан сувдан фойдаланиш жараёнидаги қоидаларни бузган шахсларга моддий таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

3. Тикловчи нормалар. Бу чоралар орқали сувдан фойдаланишда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланади. Давлат органлари ёки бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмайдиган ҳамда фуқароларни сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузадиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳам тикловчи чораларнинг бир туридир.

4. Жазоловчи чоралар. Бу чоралар сувдан фойдаланиш қоидалари бузилганда қўлланиладиган чоралардир. Унга кўра сув қонунчилиги бузилганда ҳуқуқбузарга нисбатан суд тартибида мулкӣ, маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарлик масаласи назарда тутилади.

5. Рағбатлантирувчи чоралар. Бу чоралар асосида турли хилдаги мукофотлар берилади. Бунинг натижасида сувдан фойдаланиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олди олинади.

Юқоридаги айтилганлардан келиб чиққан ҳолда сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш асосан ишонтириш, огоҳлантириш, олдини олиш ва рағбатлантириш ҳамда мажбурлаш чоралари орқали амалга оширилади. Ҳимоя қилишнинг бундай чораларини таснифлаш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ю.Г. Жариков бу чораларни икки турга: мажбурлаш чоралари ва мажбурлаш белгиларига эга бўлмаган чораларга бўлади. У айтган иккинчи чоралар сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишларини олдини олади. Бу чоралар кўпинча ҳуқуқни ҳимоя қилишда эмас, балки олдини олишда қўлланилади. Ю.Г. Жариков ҳуқуқни ҳимоя қилишдаги мажбурлов чораларга турлича таъриф беради. Унинг фикрича, мажбурлов чоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва уни тиклашда қўлланиладиган чоралар бўлиб, уни қўллаш натижасида: биринчидан, бузилган ҳуқуқ тикланса; иккинчидан, ҳуқуқбузарга нисбатан муайян таъсир чораси белгиланади¹.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, сувга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига қарши қаратилган, сувдан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, сувдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга ҳалал берадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун юридик жавобгарлик - бу давлат томонидан белгиланадиган мажбурлов чорасидир. Кимки ҳуқуққа хилоф ҳаракат содир этса - у давлат томонидан белгиланадиган мажбурлов чораларига дучор бўлади. М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрига кўра, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликка сувдан самарали ва оқилона фойдаланишга ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган маълум

¹ Жариков Ю.Г. Охрана права землепользования. М. Юрид. лит., 1974. 14-бет.

чоралар тизимидир, деб берган таърифига қўшилиш мумкин¹.

II-БОБ. Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик умумий тавсиф турлари

2.1. Сув қонунчилигини бузганлик учун интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик

Сувдан фойдаланишга оид ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфи маъмурий ножўя ҳаракат даражасида бўлмаса, бундай ҳуқуқбузарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади. Интизомий жавобгарлик ҳуқуқий таъсир чораси сифатида ўзларининг хизмат фаолиятлари, сув хўжалиги ёки жамоат ташкилотларига аъзо бўлаган интизомий ножўя ҳаракат содир этган шахсларга қўлланилади. Бу жавобгарлик сувдан фойдаланиш қоидаларини бузишга қаратилган қуйидаги ножўя хатти ҳаракатлар: сувдан фойдаланишга оид меҳнат мажбуриятлари бажарилмаганда, техника қоидаларини бузишга олиб келган сифатсиз иш қилинганида интизомий жавобгарлик вужудга келади. Хўжаликларнинг мансабдор шахслари меҳнатни ўз вақтида ташкил қилмаганларида, сув иншоотларини муҳофаза қилиш чораларини кўрмаганларида интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик меҳнат интизомини бузиш оқибатида сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаган тақдирда ёки сув тўғрисидаги қонун талаблари бузилганда пайдо бўлиши мумкин. Интизомий жазо чоралари жамоа, давлат ёки бошқа кооператив сув ташкилотларининг устави ёки низомларида белгилаб қўйилади. Сув ва сувдан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси²нинг 181-моддасига асосан, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- 1) ҳайфсан;
- 2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда

¹ Рустамбоев М.Х. Сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик// Сув ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004, 118-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Расмий нашр. – Тошкент, 2013.

жарима;

3) ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш Меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

4) меҳнат шартномасини бекор қилиш (Меҳнат кодекси 200-моддаси иккинчи қисмининг 3-4-бандлари). Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиши тақиқланади.

Интизомий жазо чоралари сувдан фойдаланиш қоидаларини бузган мансабдор шахсларга шу сув фонди жойлашган хўжаликнинг умумий йиғилиши томонидан, фуқароларга эса хўжалик бошқаруви томонидан берилади.

Масалан: Тошкент шаҳар “Махсусэлектротармоқ-қурилиш” ОАЖ директор ўрибосари Р.Умаров табиий сув манбаларидан сув олиш лимит ва қоидаларини бузганлик учун мансабдор шахс сифатида меҳнатни ўз вақтида ташкил қилмаганлиги ва сув иншоотларини муҳофаза қилиш чораларини кўрмаганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилди, ЎзР МЖ Кодексининг 74-моддасига асосан 100 минг сўм миқдорда жаримага тортилди.¹

Интизомий жазо чораларини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг интизомий жавобгарликка бағишланган умумий қоидаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир жамоа, давлат ёки бошқа кооператив сув жамоалари ўз устави ёки низомини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, интизомий жазо чораларини белгилашда меҳнат қонунидаги қоидалардан асос сифатида фойдаланиши мумкин.

¹Текширувда аён бўлди. Тошкент оқшоми, 2014, 30 апрель

2.2. Сув қонунчилигини бузганлик учун маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик

Маъмурий ножўя хатти-ҳаракат содир қилинганда, сувдан фойдаланиш қоидалари бузилганда сув қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига кўра, айбдорлар маъмурий жавобгарликка қилмиш ўз хусусиятига, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади. Уни бу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик жиноий жавобгарликдан ижтимоий хавфи камроқ эканлиги, тезликда қўллаш мумкинлиги ва судланганлик ҳолатини келтириб чиқармаслиги билан фарқ қилади¹.

Сув қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш каби ножўя ҳаракатлар содир этилганда вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 25-моддасига биноан жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан: жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш; маъмурий қамоққа олиш каби жазо чораларидан бири қўлланилиши мумкин.

Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларини қўллаш туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги маъмурий комиссия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, туман, шаҳар

¹ Ўзбекистон Республикаси Кодекслари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2013.

судлари, ички ишлар органлари, давлат инспекцияси органлари томонидан амалга оширилади.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини муҳофаза қилишда маъмурий жавобгарлик нормаларининг роли алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги¹ кодекснинг бир катор нормаларида сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган чоралар белгиланган. Жумладан, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 60-моддасида сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёки сувга эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш, 72-моддасида сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (74-м), сувларнинг давлат ҳисобини юртиш қоидаларини бузиш (75-м), сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (76-м) хатти ҳаракатлари учун фуқороларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваргача, мансабдор шахсларга уч баравардан беш бараваргача миқдорда жарима солинади.

Сув қонунбузарликлари учун маъмурий жазони қўллаш шу жазоларни қўллаётган ваколатли шахслардан ҳуқуқбузар айбдорлигининг даражасини аниқдаш учун махсус билимларни талаб қилади. Масалан, сувнинг ҳолатини бузадиган жараёнларнинг олдини олиш чораларини кўрмаслик учун жавобгарликни қўллаш масалаларида эколог-мутахассислар бошқаларга нисбатан кўпроқ билимларга эгадирлар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси" ва "Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги" инспекторларига содир этилган сув ҳуқуқбузарлиги ҳолатларини аниқлаш ҳамда маъмурий жазо чоралари қўллаш ваколатлари берилган.

Маъмурий жавобгарлик қонунда белгиланган тартибга мувофиқ қўлланилади: Булар биринчидан, сув қонунчилигини бузганлик тегишли ваколат берилган мансабдор шахс томонидан баённома тузилади; иккинчидан, керакли далиллар тўпланади; учинчидан, ишнинг кўрилишига маъмурий қонунчиликда назарда тутилган шахслар жалб этилади; тўртинчидан маъмурий

¹ Ўзбекистон Республикаси кодекслар тўплами. Т. Адолат, 2013

ишлар қонунда кўрсатилган жойларда, муддатларда ва тартибда кўрилади; бешинчидан, маъмурий жазо қўлланиши қарор билан расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда ҳуқуқбузарга етказилади.

Масалан: Тошкент шаҳри, "Ёрилтош қурилиш авто" МЧЖ механиги И.Эрдановдан сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун ЎзР МЖ Кодексининг 75-моддасига асосан 96,105 сўмлик жарима ундириладиган бўлди.¹

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишда маъмурий чоралар алоҳида аҳамият касб этади. Маъмурий жавобгарлик - давлат органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган муайян жазо чораси белгилашдир. Маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиш билан биргаликда ўзига хос кўйидаги хусусиятларга эга; Бу давлат мажбурлови бўлиб, давлат фаолиятининг ҳар хил соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади. Бу жавобгарликка давлат қонунлари ва қарорлари асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан айбдор шахслар тортилади; Маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайдилар; бу турдаги жавобгарликда енгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа ҳисобланади ва ҳоказолар.

Сувдан фойдаланиш жараёнидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар кўпинча хизмат фаолиятидаги ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан келиб чиқади. Ж.Т.Холмўминовнинг таъкидлашича, маъмурий жавобгарлик асосан хизмат вазибаларини бажармаган ёки уларга совуққонлик билан қараган шахсларга нисбатан қўлланилади². Бу фикрга қўшиладиган бўлсак маъмурий жавобгарликни интизомий жавобгарликдан фарқини ажратиш олиш қийин кечади.

Сув қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик интизомий жавобгарликдан, уни ваколатли органлар ва мансабдор шахслар қўллаши мумкин бўлган жиҳати билан ажралиб туради. Интизомий жавобгарлик фақат

¹ Текширувда аён бўлди. Тошкент окшоми, 2014, 30 апрель

² Холмўминов Ж.Т. Сувни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий чоралари. Тошкент., 2008, 24-бет.

хуқуқбузарнинг иш жойида қўлланилади. Маъмурий жавобгарлик эса хуқуқбузарга қўлланиладиган маъмурий жазо чораларида ўз ифодасини топади. Сув қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексининг 60,72,74,75,76-моддаларида ўз аксини топган.

Маъмурий жавобгарлик жиноий жавобгарликдан ўзининг ижтимоий жихатдан кам хавфлилиги, жазо чораларининг енгиллиги, келтирган зарарнинг камлиги ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. М.Х.Рустамбоевнинг фикрига кўра, маъмурий хуқуқбузарлик учун жавобгарлик жиноий жавобгарликдан ижтимоий хавфи камроқ эканлиги, тезликда қўллаш мумкинлиги ва судланганлик ҳолатини келтириб чиқармаслиги билан фарқ қилади¹.

2.3.Сув қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишда қўлланиладиган асосий хуқуқий чора турларидан бири фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик бўлиб, у сув бойликларига мулкый зарар етказилганда келиб чиқади. Бу жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури ҳисобланиб сувдан фойдаланиш муносабатларда сув эгаси, мулкдори, фойдаланувчисига нисбатан мулкый зарар, яъни сувни ифлослантирганлик, ишдан чиқарганлик каби ҳолатларда қўлланилади². 2012 йил 10 ноябрда Жиззах вилояти "Сувназорат" инспекцияси Бахмал тумани Фарҳод сувдан фойдаланиш уюшмасига нисбатан даъво ариза билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилган ва 5,70 млн метр куб ўрнига 8,50 млн метр куб сув олганлиги учун, 73350 сўм жарима тўлашни талаб қилган. Жавобгардан даъвогар фойдасига Жиззах вилоят хўжалик

¹ Рустамбоев М.Х. Сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик// Сув ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004, 119-бет.

²Холмўминов Ж.Т. Экологик қонун талабларини бузганлик учун фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик муаммолари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001, № 2, 17-бет.

судининг ҳал қилув қарорига биноан ушбу сумма ундириб берилган¹. Жиззах вилоят Бахмал тумани “Абдурахмон” фермер хўжалигига шу тумандаги “Хонтушди мироби” сувдан фойдаланиш уюшмаси шартномада белгиланган миқдордаги сувни етказиб бермаганлиги учун 2483100 сўм миқдордаги моддий зарар ва 5520800 сўм жарима ундириб беришни сўраб Жиззах вилоят хўжалик судига даъво ариза берган. Жиззах вилоят хўжалик суди ишни кўриб чиқиб даъводаги 2503500 сўм зарарни ундириб берган².

Сувга етказилган зарар ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Биринчидан, сув табиий объект сифатида nobуд бўлади, унинг ҳолати ёмонлашади. Иккинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий манфаатларига зиён етказилади; масалан, сувнинг ҳолати ёмонлашиши оқибатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари nobуд бўлади ёки ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Сув ресурсларига зарар фуқаровий-ҳуқуқий ҳуқуқбузарлик содир этилиши оқибатида етказилади. Зарар юридик ва жисмоний шахслар томонидан эҳтиётсизлик ёки қасддан ҳамда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида содир этилади. Ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарликнинг таркиби ҳосил бўлиши учун қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлиши лозим.

М.Х.Рустамбоевнинг фикрига кўра, сув қонунчилигини бузиш туфайли етказилган зарарни қоплаш бўйича муносабатларда бир қатор ўзига хосликлар мавжудлигини ҳамда ушбу жавобгарлик фақат шу соҳада қўлланиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу хусусиятларга етказилган зарарнинг ҳажми ва тартиби, зарарнинг ўзига хос таркиби, етказилган зарарни қоплаш учун ундириб олинган пул маблағларини ҳисоблаб чиқиш усули ва улардан фойдаланиш тартиби киради³.

Сувга етказилган зарарнинг таркибига қуйидагилар киради: ҳақиқий етказилган зарар, зарарнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган

¹Жиззах вилояти, Сув назорати инспекцияси материаллари, 2012 йил.

²Жиззах вилояти, Сув назорати инспекцияси материаллари, 2012 йил.

³Рустамбоев М.Х. Сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик// Сув ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004, 124-бет.

харажатлар, олинмаган даромадлар ва бошқалар.

М.Х.Рустамбоевнинг фикрига кўра, сув қонунчилигини бузиш йўли билан етказилган зарар юқорида тилга олиб ўтилган зарарни бир тури бўлсада, аммо баъзи бир ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қонун бузилиши туфайли етказилган зарар қуйидаги элементлардан ташкил топади: илгари сув ресурсларига сарф қилинган, аммо фойдаланилмаган харажатлар; сувнинг аввалги ҳолатини тиклаш учун қилинган харажатлар; олинмай қолинган фойдалар¹.

Ҳақиқий етказилган зарарга нобуд бўлган табиий объектларни тиклаш, ифлосланган сувни тозалашга кетган харажатлар ҳамда зарар оқибатларини бартараф этишга қаратилган бошқа сарф-харажатлар мажбурий харажатларни ташкил этади. Олинмаган даромадга шу табиий объектнинг фойдаланишидан келиб тушиши лозим бўлган, аммо унинг нобуд бўлиши ёки ёмонлашуви оқибатида олинмаган ёхуд олиш имконияти йўқолган даромадлар киради, масалан, тупроқни сув билан таъминламаганлиги оқибатида ер майдонидан тушадиган даромад олинмаган даромад ҳисобланади.

Сувга етказилган зарарни қоплаш ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши мумкин. Уни мажбурий ундириш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза этишни ташкил қилувчи давлат органларининг, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг даъвосига асосан, тегишли суд ёки хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади.

Сув қонунчилигини бузганлик учун юклатиладиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузар зиммасига жабрланган томон кўрган зарарни натура шаклида (реал қоплаш) ёки пул шаклида қоплаш мажбуриятининг юклатилишидан иборатдир. Бу зарар сув бойликларини муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади.

Жавобгарликнинг бу тури сув ҳуқуқбузарликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш бўйича амалга ошириладиган

¹ Рустамбоев М.Х. Сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик// Сув ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004, 126-бет.

фаолиятнинг асосий таркибий қисмидир. Айбдорлар жиноий, маъмурий ёки бошқа юридик жавобгарликка тортилганликларидан қатъий назар бундай жавобгарликка ҳам тортилади.

Сув ҳуқуқбузарликлари учун юклатилган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик муаммоларига кейинги йилларда юридик адабиётларда катта эътибор қаратилмоқда. Баъзи муаллифларнинг фикрича, сувни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни тараққий этиши ва такомиллашиши ҳамда бир тизимга солиниши билан боғлиқ равишда сувни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик нормалари санкциялари сув ҳуқуқининг мустақил бўлимига айланади. Ҳозирча эса, ушбу институтнинг таъсир доираси муносабатларнинг конкрет турларига ва усуллари хусусида фикр юритиш имкониятига эга бўлиш учун табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик нормалари диспозициялари ва санкцияларини ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидан ахтаришга тўғри келади¹.

Таксалар ва етказилган зарар ҳажмини аниқлаш услуги махсус қонун билан белгилаб қўйилмаган ҳолларда сув қонунчилигида етказилган зарарни қоплаш учун белгиланадиган жарима миқдорини аниқлаш фуқаролик қонунчилиги нормаларига мос равишда амалга оширилиши назарда тутилади - бу зарар сувнинг бузилган ҳолатини тиклаш учун амалда қилинган харажатлар, кўрилган зарарлар ва шу жумладан бой берилган фойдани ҳам қўшиб ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 49-моддасига биноан атроф муҳитга, одамлар саломатлигига ва давлатга атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатида зарар етказган юридик ва жисмоний шахслар зарарни қоплашлари шарт. Бу модда ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги умумий қоидаларни назарда туттади.

¹ Сув ҳуқуқи. Дарслик. /ю.ф.д., проф. Ж.Т.Холмўминовнинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Б.Усмонов. Тошкент, ТДЮИ, 2011. – 312 б.

Аммо сув қонунчилигини бузиш йўли билан етказилган зарарни қоплаш бўйича муносабатларда бир қатор ўзига хосликлар мавжудлигини ҳамда улар ушбу жавобгарликни фақат шу соҳада қўлланишига хос эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Улар етказилган зарарнинг ҳажми ва тартиби зарарнинг ўзига хос таркиби, зарарни қоплаш сифатида ундириб олинган пул маблағларини ҳисоблаб чиқиш усули ва улардан фойдаланиш тартибидир. Буларнинг барчаси сувни муҳофаза қилиш соҳасидаги зарарни қоплаш билан боғлиқ фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашда ўзига хосликлар мавжудлигидан далолат беради.

Етказилган зарарни қоплаш учун берилган суммалар жабрланувчининг сув қонунчилиги бузилиши натижасида юзага келган иқтисодий эҳтиёжларини қондиради. Етказилган моддий зарарнинг энг юқори даражада қопланиши фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг зарарни қоплаш мақсадидир. У фақат жабрланган сувдан фойдаланувчининг эмас, балки давлатнинг ҳамда умуман жамиятнинг ҳам манфаатларини қондиришдан иборатдир. Чунки етказилган зарар инсон саломатлигига, шу жумладан келажак авлод тараққиётига ҳам таъсир кўрсатади.

Атроф табиий муҳит соҳасидаги мулкӣ жавобгарликнинг ҳарактерли хусусияти зарарни ҳисоблаб чиқишнинг такса усулидир. Такса табиат объектларига етказилган зарарни ҳисоблашнинг тахминий бирлигидир. Унинг миқдори давлат табиат муҳофазаси йўлида қилинган ҳаражатларининг тегишли қисми ва бундан ташқари яна маълум суммани ташкил этади¹. Таксага оид жавобгарликнинг ўзига хослиги шундаки, у махсус норматив ҳужжатлар асосида белгиланади ҳамда табиий равишда, инсон меҳнати синмаган табиат объектларини муҳофаза қилишга йўналтирилган бўлади.

Зарарни ҳисоблаб чиқиш услуги ва таксалар мавжуд бўлмаган ҳолларда етказилган зарар миқдорини аниқлаш кўрилган зиёнларни ҳисобга олган ҳолда сувнинг бузилган ҳолатини қайта тиклаш учун амалда қилинган ҳаражатларга асосан амалга оширилади. Бу ишлар фуқаролик ҳуқуқи нормаларига мос

¹ Природноресурсовое право и правовая охрана окружающей среды.-М.:Юрид.лит.,1988.162-бет.

равишда амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг зарарни қоплаш хусусияти янада кўпайди. Аммо бир нарсани доимо ҳисобга олиш лозимки, етказилган зарарни қоплаш қабалида ундириб олинган пуллар мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши лозим, яъни сув ҳуқуқбузарликларнинг зарарли оқибатларини тугатиш мақсадида ишлатилиши керак.

Қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар билан сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш ҳолларида зарарни тўлиқ қоплаш тамойили қўлланилади. Сувлар хўжалик юритиш объекти ҳисобланади, шу сабабдан сувга оид ҳуқуқбузарликлар моддий ва экологик зиён етказилишига сабаб бўлади. Қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар натижасида етказиладиган зарарни ҳисоблаб чиқишнинг махсус нормалари мавжуд эмас. Шу сабабдан зарарни тўлиқ ва мажбурий қоплатиш учун зарарни ҳисоблаб чиқишнинг махсус услубини яратиш лозим.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фақат қонунда кўрсатилган шарт-шароитлар вужудга келгандагина келиб чиқади. Бу шарт-шароитлар фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркибини ташкил қилиб, шу хилдаги ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Булар қуйидагилардир: 1) Зарарнинг мавжудлиги; 2) Ҳуқуққа зид ҳулқ атвор; 3) Ҳуқуққа зид ҳулқ-атвор билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш; 4) айбнинг мавжудлиги. Мана шу элементлар бўлгандагина фуқаролик ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига биноан мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик фақат айб мавжуд бўлган ҳолларда юклатилади. Мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда айб шартномавий жавобгарликнинг бошқа шаклларида қатъий назар барча ҳолларда мавжуд бўлиши керак.

Умумий қоидага кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномага асосланган ва асосланмаган мажбуриятлар учун юзага келиб чиқади, аммо

қонунда назарда тутилган баъзи бир ҳолларда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарни қоплашга бўлган жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқининг бутун тизимида учрайди. Буларга қуйидагилар киради: умумий фалокат, реквизиция, охириги зарурат ҳолатида етказилган зарарни қоплаш. Уларни ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан фарқлаш лозим. Ҳуқуқий хатти-ҳаракат натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ўз моҳияти бўйича фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ҳисобланади.

Сув қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун сувга ҳақиқатдан ҳам зарар етказилган бўлиши, ушбу зарарни етказган юридик ёки жисмоний шахснинг хатти-ҳаракати қонунга зид бўлиши, ушбу қонунга зид хатти-ҳаракат билан зарар ўртасида сабабий боғланиш бор бўлиши ва айбдорнинг айби мавжуд бўлиши керак. Қонунга хилоф хатти-ҳаракат билан унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш фуқаролик ҳуқуқбузарлиги таркибининг асосий элементларидан биридир. Ушбу ҳолат Фуқаролик кодексида белгиланган. Агар Қонунга хилоф хатти-ҳаракат билан оқибат сифатида унинг зарарли натижаси ўртасида боғланиш бўлмаса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳам келиб чиқмайди. Фуқаролик ҳуқуқбузарлиги таркибининг элементи сифатида сабабий боғланишнинг аҳамияти фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чегараларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишнинг аҳамиятга эга бўлган чегараларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Айбнинг мавжудлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг асосларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Демак, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик умумий қоидага биноан айбга асосан қўлланилади. Фуқаролик қонунчилигида айбнинг бўлиши тамойили содир этилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун юклатиладиган жавобгарликнинг асоси сифатида назарда тутилади.

Юридик таркибдаги барча элементлар мавжуд бўлганда, яъни айб гайриқонуний хатти-ҳаракат улар билан юзага келган натижа ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлганда, табиатга ёки инсон саломатлигига зарар етказилганлик факти ёки зарар етишининг реал хавфи экологик ҳуқуқбузарликнинг ҳал этувчи, унинг бутун юридик таркибига ўзига хослик бахш этувчи белги ҳисобланади¹.

Шундай қилиб, бу соҳада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг зарурий шарти зарардир, яъни зарар етказилмаган бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаб бўлмайди. Зарарнинг тўлиқ қопланишини таъминлаш учун зарар тушунчасининг аниқ таҳлилини бериш ҳамда уни етказишнинг эҳтимолий чегараларини аниқлаш лозим.

Сув ҳуқуқида зарар тушунчаси ишлаб чиқилмаган, у реал зарар ёки бой берилган фойда сифатида тушунилади ҳамда экологик ва иқтисодий турларда ифодаланади. Улар ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳамда умумий зарар етказиш манбасига эгадирлар. Бу манба хўжалик фаолияти бўлиб, унинг юритилишига боғлиқ равишда сувни ифлослантиради.

Сувга етказилган зарар бутун жамиятнинг манфаатларига мос келмайди, иқтисодий зарар эса сувдан фойдаланувчининг хўжалик манфаатларига етказилади. Шу билан бирга сувга етказилган зарарнинг бир қатор ўзига хосликлари мавжуд. Табиий муҳитдаги баъзи йўқотишларнинг ўрнини қоплаб бўлмаслиги, баъзи табиий ресурсларни қайта яратиб бўлмаслиги, табиий муҳитдаги баъзи салбий оқибатларнинг ўрнини тўлдириб бўлмаслиги экологик зарарнинг ўзига хосликларини ташкил этади.

Иккинчи бир ўзига хослиги шундан иборатки, зарар етказиш вақти билан унинг оқибатларининг юзага чиқиши орасида маълум вақт мавжуд, яъни унинг оқибатлари орадан анча вақтлар ўтиб юзага чиқади. Экологик зарарнинг учинчи асосий ўзига хослиги шундаки, у охир-оқибатда инсон саломатлигига зарар етказишга (физиологик зиён) ҳамда келажак авлоднинг тўлақонли ривожланишига зарар етказишга олиб келади.

¹ Петров В.В. Экология и право.- М., 1981, 147-бет.

Амалиётда эса сувга етказилган зарарнинг аниқланиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг сув ҳуқуқбузарликларини тергов қилиш фаолиятини енгиллатиш, шунингдек, жавобгарликни қўллаш механизмини такомиллаштириш, зарарни қоплаш бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқиш учун зарурдир.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг иккита асосий шакли мавжуд. Булар биринчидан, зарарни қоплаш ва иккинчидан, неустойка. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шакллари ичида зарарни ундириш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки фуқаролик ҳуқуқбузарлик, жумладан мажбуриятларни бажармасликка кўпчилик ҳолларда зарар етказишга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам жавобгарликнинг ушбу шакли умумий аҳамиятга эга ва агар қонунда ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, зарарни ундириш фуқаролик ҳуқуқи бузилиши юз берган барча ҳолларда қўлланилади. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шакллари бундай умумий аҳамиятга эга эмас, улар муайян ҳуқуқбузарликка нисбатан бевосита қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.¹

Шикаст етказилганлиги учун неустойкани ундиришга фақат қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқи бузилганлиги учун зарарни ундириш, қонун ёки шартномада назарда тутилган айрим истиснолардан ташқари, барча ҳолларда қўлланилиши мумкин бўлганлиги туфайли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ушбу шаклини умумий чора деб ҳисоблаш мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шакллари эса махсус чоралар деб ҳисоблаш жоиз, чунки улар фақат қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина ва муайян ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланилиши мумкин. Зарарни ундириш умумий чора сифатида бузилган барча мажбуриятларга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-моддасининг 1-қисмига мувофиқ қарздор мажбуриятни бузганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр, Тошкент, Адолат, 2013.

шарт. Зарарни ундириш фукаролик-хукукий жавобгарликнинг бошқа шаклларига тааллуқли булган умумий белгилари билан бир қаторда ўзига хос махсус хусусиятларга эга. Мажбуриятни бузган шахс зарарни пул эвазига ёки бошқа мол-мулк эвазига қоплаши мумкин.

Фукаролик-хукукий жавобгарликнинг шакли сифатида зарарни ундириш ҳақида талаб қўйиш учун мажбурият бузилиши натижасида зарар етказилганлиги амалда мавжуд бўлиши керак. Зарар деганда кредиторнинг бузилган ҳукуқини тиклаш учун қилинган ёки қилиши лозим бўлган сарф-харажатлар, унинг мол-мулкининг йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, қарздор мажбуриятини бажарганда у олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар (бой берилган фойда) тушунилади (ФК нинг 14-моддаси 2-қисми).

2.4. Сув қонунчилигини бузганлик учун жиноий-хукукий жавобгарлиги

Сувдан фойдаланиш ҳукуқини бузганлик учун ҳукукий жавобгарлик жиноят қонуни нормаларида белгиланган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир қилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Маълумки, жиноий ҳукуқбузарлик жамият учун зарари ва ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги билан бошқа ҳукуқбузарликлардан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига¹ атроф табиий муҳитни ифлослантириш (196-модда) сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (203-модда) учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Сув ҳавзалари ифлосланишининг ижтимоий хавфи юқорилиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 196-моддасида ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. ЖКнинг 196-моддаси 1-қисмида “Сувни ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Тошкент:Адолат, 2013.

паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорида жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади”, деб белгиланган. Кўриб чиқилаётган жиноятнинг объекти одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик хўжалиги фаолият кўрсатишининг ва таракқий этишининг табиий шарт-шароити бўлмиш сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатлардир. Жиноятнинг предмети сувдир.

Сув ҳавзаси табиий ёки сунъий йўл билан барпо этилганлигидан (музликлар, кўллар ёки дарёлар) қатъи назар уларни ифлослантирганлик учун жиноий жавобгарлик юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида сувдан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, турмуш эҳтиёжларида ишлатиш, шифохоналарда, курортларда, фойдаланиш фойдаланишнинг бошқа барча турларидан устувордир деб белгилаб қўйилган. Ичимлик ва турмуш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган сувлар давлат андозаларига мос келадиган сув ҳавзаларидан олинади. Аҳоли турар жойлари яқинида жойлашган, чўмилиш, спорт билан шуғулланиш, аҳолининг дам олиши учун фойдаланиладиган сув ҳавзаларининг сувларига ҳамда балиқчилик хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган сув ҳавзаларига махсус талаблар қўйилади.

Оқова сувларни сув ҳавзаларига оқизишга йўл қўйилиши мумкин, аммо бунда сувдан фойдаланувчилар Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида назарда тутилган талабларга риоя қилишлари лозим. қонунда, агар оқова сувлар табиатни муҳофаза қилувчи органлар томонидан белгиланган даражада тозаланган бўлса, уларни сув ҳавзаларига оқизиш мумкинлиги кўрсатилган. Сув ҳавзаларига саноат, турмушда фойдаланиладиган (маиший) ва бошқа турдаги чиқиндилар ҳамда ахлатларни ташлаш қатъиян ман этилади.

Жиноят кодексининг 196-моддасида айтилганидек, сув ҳавзаларининг ифлосланиши деганда, сув ҳавзаларнинг ўзича тозаланиш имкониятини сезиларли даражада камайтирадиган ифлос қилиш тушунилади. Бунинг натижасида одамлар соғлиғига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш маҳсулотларини етиштиришга ёки балиқ захираларига зарар етказиш хавфи юзага келади. Сувларнинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларининг ўзгаришлари сувнинг ифлосланиши, деб топилади. Бундай ифлосланиш натижасида сувлар коммунал, саноат, қишлоқ хўжалик, балиқ хўжалиги ва бошқа мақсадларда нормал фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади.

Сувлар (сув ҳавзалари) сув ўтлари босиб кетиши, турли темир-терсак, кундалар ва шунга ўхшаган нарсаларга тўлиб, яроқсиз бўлиб қолишини сувларнинг ифлосланишидан фарқлаш керак, зеро бундай ҳоллар сувдан фойдаланишга тўсиқ деб ҳисобланади. Сувнинг ифлосланганлиги белгиланган тартибда сувдан текшириш учун намуналар олиш йўли билан аниқланади. Сув ҳавзалари ва сув объектларидаги сувлар хўжалик фаолияти ва турмушда ишлатилганлиги натижасида ўзгариб кетган бўлса, сувлар фойдаланиш учун тўлиқ ёки қисман яроқсиз бўлиб қолган бўлса, ифлосланган ҳисобланади.

Сувдан фойдаланиш турига боғлиқ равишда унда одамлар, жониворлар, балиқлар учун зарарли моддалар кўпайиб кетган бўлса ёхуд сувнинг оргонолептик хусусиятларининг ўзгариши натижасида сифати пасайиб кетганлигига қараб сувнинг ифлосланганлик даражаси аниқланади. Сувнинг ифлосланганлиги сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартибга солувчи органлар томонидан тузиладиган комиссия ўтказадиган текширишлар ёрдамида аниқланади.

Жиноят кодексининг 196-моддасида сув ҳавзаларига оқова сувлар, турли корхоналарнинг чиқиндилари ва ахлатларини ташлаш - ифлослантириш усули сифатида кўрсатилган. Саноат, қишлоқ хўжалик, коммунал ёки турмуш эҳтиёжлари учун ишлатилган ва натижада табиий, кимёвий, физикавий ёки биологик таркиби бутунлай ўзгариб кетган сувлар оқова сувларга киради. Ахлатлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қолган

колдиқларидир. Чиқиндилар эса ҳали қандайдир мақсадларда ишлатса бўладиган колдиқлардир. ЖКнинг 196- моддасида қонун чиқарувчи томонидан фақат ифлосланиш атамаси ишлатилади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг объектив томонини тавсифлайдиган зарурий белгилардан бири қонунда кўрсатиб қўйилган бўлиб, у зарар етказиш ёки уни етказиш хавфини туғдиришдир. Реал хавф туғдирмаган ҳолда сувларни ифлослантирганлик учун маъмурий жавобгарлик юзага келади.

Сувнинг ифлосланиши натижасида одамлар касалликка чалинса ёки уларнинг меҳнат қилиш қобилияти хавф остида қолса, одамларга зарар етказилган ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига етказилган зарар экинларнинг нобуд бўлишида, моллар, паррандаларнинг қирилиб кетишида ифодаланади. Зарар етказилган ҳолларда ифлосланиш билан унинг зарарли оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш лозим.

ЖКнинг 196-моддаси 2-қисмида сув ҳавзаларини ифлослантириш натижасида одамлар ўлимига сабаб бўлган қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Субъектив томондан ушбу жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида ҳам содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятнинг субъекти мансабдор шахслар, шунингдек жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Жиноят кодексида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193-модда), атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда), атроф муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик (195-модда) учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган.

III-БОБ.Сув қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик соҳасида МДХ мамлакатлари тажрибаси ва трансчегаравий муаммолар

Авваламбор, трансчегаравий дарёлар – Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг сувларидан фойдаланишда оқимни трансчегаравий бошқариш оқибатлари кўпроқ дарёларнинг куйи оқимида жойлашган ҳудудларда сезилади. Сувларни трансчегаравий бошқариш юқорида жойлашган мамлакатлар хатти-харакатларининг нечоғли келишилганлигига боғлиқ. Шунинг учун Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг трансчегаравий хусусиятларини алоҳида инобатга олиб, сувлардан оқилона ва адолатли тарзда халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишлари талаб этилади.

Жумладан, фойдаланиб келинаётган мавжуд сув манбаларининг 85 фоизга яқини кўшни республикаларда ҳосил бўлиб, юртимизга оқиб келади, 15 фоиз атрофидаги сув манбалари эса мамлакатимиз ҳудудида ҳосил бўлади.

Сув ресурсларидан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланиш, гидротехник иншоотлардан фойдаланишда қарама-қарши томонларнинг манфаатларни келиштириш мақсадида, 1998 йилнинг март ойида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида “Сирдарё дарёси ҳавзаси сув–энергетик ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги келишув имзоланди.

Минтақа аҳолиси хавфсизлигига кўплаб тўғонларнинг техник ҳолати, шунингдек ҳозирга келиб 16,6 км³ ҳажмда сув тўпланиб қолган Сарез кўли табиий тўғонининг ҳолати ҳам таҳдид солади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 12 март 2008 йилда бўлиб ўтган Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора–тадбирлари”¹ Халқаро конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўғри

¹ Халқ сўзи, 2008 йил, 13 март.

таъкидлаганидек: Шу жиҳатдан олинганда, минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Мазкур дарёлар барча замонларда уларнинг хавзаларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини таъминлаб келган.

Бу ҳозирги кунда сув ресурсларидан, биринчи галда, трансчегаравий хусусиятга эга дарё оқимларидан мазкур минтақадаги барча мамлакат ва халқлар манфаатлари йўлида фойдаланишда ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларни амалга оширишни тақозо этувчи минтақанинг давлатида яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминотини янада қийинлаштириши, қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини жадаллаштириб юбориши ҳамда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг барқарор ривожланиши ва амалда умуман бу ерда яшаши истиқболларини шубҳа остида қолдириши мумкин¹.

Трансчегаравий дарёлардан фойдаланишнинг асосий тамойилларини белгилайдиган халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим ҳужжатларига, шу жумладан трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш (1992) ҳамда халқаро сув оқимларидан кема қатновидан бошқача турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги (1997) конвенцияларга мувофиқ, сув оқимларидаги барча давлатлар “ўзининг тегишли ҳудудлари чегарасида халқаро сув оқимларидан адолатли ва оқилона тарзда фойдаланишлари” назарда тутилади.

Ушбу масалага юридик адабиётларда ҳам алоҳида эътибор берилган². Мазкур ҳужжатларда, шунингдек. Халқаро сув оқимларидаги давлатлар томонидан ўз ҳудудида ундан фойдаланганида “сув оқимидаги бошқа давлатларга сезиларли зарар етказилишининг олдини олиш учун барча тегишли чора тадбирларни кўриш”, зарар етазилган ҳолатда эса – “бундай зарарни

¹ Халқ сўзи, 2008 йил 13 март.

² Халмуминов Ж.Т. Реализация Конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2010. – № 1. – С. 24-28.

тугатиш ёки камайтириш учун, зарур бўлганда, зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун” тегишли чора–тадбирларни амалга ошириш бўйича давлатларнинг мажбуриятлари назарда тутилган.

Трансчегаравий сув оқимларининг сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ минтақа давлатларининг “халқаро сув оқимларидан мақбул равишда фойдаланишга эришиш ҳамда тегишли тарзда ҳимоя қилиш мақсадида” ҳамкорлик қилиш умумий мажбуриятини ҳам назарда тутди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Бош вазири О.Ғ.Оқиловга Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси муносабати билан йўллаган мактуби Ўзбекистон Республикасининг трансчегаравий сув билан боғлиқ бўлган муносабатларини замон талаби даражасида ифода этди. Жумладан унда, куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деб топилди.

– ушбу лойиҳанинг Орол ҳалокати оқибатларида минтақамизда юзага келган заиф экологик мувозанатга етказиши мумкин бўлган зарарига;

– ушбу лойиҳанинг Амударёда сув оқими ҳажми ва тартибининг ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини инобатга олиш керак, чунки кескин континентал чўл иқлими шароитида яшаётган мазкур минтақадаги миллионлаб одамларнинг тақдири, айниқса мунтазам такрорланиб турадиган сув тақчиллиги даврида ичимлик ва суғориш сувларининг миқдорига бевосита боғлиқ эканини назарда тутиш лозим;

– ушбу лойиҳанинг техноген хусусиятга эга таҳдидлар, биринчи навбатда, кучли зилзилалар хавфидан нечоғли ҳимояланганлик даражасига эътибор қаратиш лозим, чунки Роғун ГЭСини қуриш мўлжалланаётган жой тектоник ёрилиш линиясида, яъни бир неча марта 10 баллгача кучга эга бўлган зилзилалар рўй берган, юқори сейсмик ҳудудда жойлашган. Мазкур лойиҳа амалга ошириладиган бўлса, табиий офат туфайли тўғонлар ўпирилиши оқибатида 100 минглаб одамларнинг қурбон бўлиши билан бирга кечадиган

гуманитар фалокат кўламини тасаввур этишни ўзи оғир,¹ деб кўрсатилган талаблар ўта ҳақли ва тўғридир.

Қозоғистон Республикаси. Қозоғистон ҳудудида асосан арид иқлимли минтақа ҳукмрон бўлганлиги сабабли сув ҳаёт манбаи ва энг асосий ижтимоий муносабатларнинг объекти ҳисобланилади. 1999 йил 30 августда Республика референдумида қабул қилинган, Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 6-моддаси, 3-бандига мувофиқ сув, бошқа табиий объектлар сингари, давлат мулки ҳисобланилади. Лекин Қозоғистонда сувдан фарқли ер участкаси хусусий мулк сифатида эътироф этилиши мумкин.

Қозоғистонда сувга оид муносабатлар унинг Конституцияси асосида қабул қилинган Сув кодекси (1999 йил 31 март № 2061-12) ва бошқа норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Унда собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчилар қаторида Сув кодекси қабул қилинди. Лекин, 1993, 1996, 1999, 2001 йилда унга бир қанча қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Охир оқибатда, 2003 йил 9 ноябрда янги таҳрирдаги Сув кодекси қабул қилинди. У 32-боб, 146-моддадан иборатдир. Шундай қилиб 2003 йилдан бошлаб қўшни Республикада янги сув қонунчилиги амалга татбиқ қилина бошланди.

Янги таҳрирдаги Сув кодексининг 2-моддасига биноан Қозоғистон Республикасида ратификация қилинган халқаро сув манбалари миллий қонунчилик нормаларига нисбатан устиворликка эга. Афсуски ушбу норма аввалги Сув кодексида йўқ эди. Бу янги ҳуқуқий ҳолат Орол ҳавзасида жойлашган Марказий Осиё давлатларида Сирдарё сингари халқаро сув объектларидан келишилган ҳолда фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Сувга оид ҳуқуқбузарликлар тури, сувдан фойдаланишда келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишнинг умумий жиҳатлари сув қонунчилигида аниқлаштириб берилган ҳамда тегишли жиноий, маъмурий, интизомий ва фуқаровий жавобгарликларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Қозоғистон Республикаси Сув кодексининг 11-қисм, 31-боб, 141-145-

¹ Халқ сўзи. 2010, 3 феврал.

моддаларига биноан халқаро сув объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни давлатлараро тузилган шартномалар орқали амалга оширади. Халқаро ҳамжамият олдида олинган барча мажбуриятлари Қозоғистонда тегишли ҳужжат олий қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан ратификация қилингандан сўнггина бажариш маъсулияти келиб чиқади. Давлатлараро юзага келадиган сувга оид низоларни ихтиёрий, ўзаро ҳурмат, тенг ва тотув кўшничилик принципларига амал қилган ҳолда музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади. Агарда ушбу музокаралар натижа бермаса, халқаро арбитраж жараёнлари ёки бошқа ўзаро келишилган ҳуқуқий процессуал нормалар орқали ҳал қилишни Сув кодекси эътироф этади.

Қирғистон Республикаси. Қирғизистонда сувга оид муносабатлар унинг Конституцияси, 1994 йил 14 январда Жўқорғу Кенес томонидан қабул қилинган “Сув тўғрисида”ги, 2001 йил 29 июндаги “Қирғизистон Республикаси сув объектлари, сув ресурслари ва сув хўжалиги иншоотларини давлатлараро фойдаланиш тўғрисида”ги каби қонунлар ва улар асосида қабул қилинган норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Қирғизистон Республикаси «Сув тўғрисида»ги Қонуннинг IX қисм, 66-моддасида кўрсатилган “Қирғизистон Республикаси сув муносабатлари соҳасида ўз сиёсатини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар билан тинч кўшничилик ва ўзаро ёрдам, умумий экологик хавфсизлик, табиатни халқаро муҳофаза қилишни ривожлантириш асосларига таянади” деган миллий ҳуқуқ нормаларини амалга татбиқ этиши XXI асрнинг ўта долзарб масаласидир.

2003 йилнинг сентябр оyi Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатларининг барқарор ривожланишга бағишланган анжуманида сув муаммоларини биргаликда ҳал қилиш зарурлиги яна бир бор таъкидланганлиги бежиз эмас, албатта.

Тожикистон Республикаси. Халқаро сув объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга доир низолар давлатларнинг ижроия органлари – ҳукуматлари томонидан ҳал этилиши Кодексининг 103 – моддасида алоҳида белгилангандир.

Тожикистон Республикаси Сув кодексининг 12-моддаси сув фондини муҳофаза қилиш талаблари билан бойитилган. Бу эса давлатнинг халқаро ҳамжамият олдидаги бурчи нақадар катталигини англатади. Лекин уларни амалга татбиқ этилиши ҳанузгача иқтисодий нуқтаи назардан замон талабида, деб айтиш қийин. Чунки, Амударё сувининг лойқалиги ва Сурхондарёнинг турли кимёвий чиқиндилар билан ифлосланганлик даражаси 2000 йилга келиб максимал кўрсаткичларга эга бўлган. Гарчанд Кодекснинг 134-моддасида ва унга монанд равишда Жиноят ва Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексларида бундай қонунбузарликлар айбли ва ижтимоий хавfli қилмиш сифатида эътироф этилган ҳолос.

Миср Араб Республикаси. Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан икки мамлакат ўртасида сув хўжалиги соҳасидаги биргаликдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг ўзаро англашувини янада ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Миср Араб Республикаси Сув ресурслари ва ирригация вазирлиги ўртасида сув хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида” англашув меморандуми имзоланган (Қоҳира, 2009 йил 5 май) ҳамда ушбу ҳужжат мазкур давлатлар учун 2009 йил 5 майдан эътиборан кучга кирган¹.

Унга кўра, икки мамлакат ўртасида сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик кўйидаги соҳаларда амалга оширилади (2-модда):

1. Дренаж ва суғориш тармоқларини алмаштириш ва янгилаш бўйича замонавий технологиялар билан ўртоқлашиш.
2. Сувдан оқилона фойдаланиш ва суғориш тармоқларини мукамаллаштириш йўллари соҳасидаги тадқиқотлар билан ўртоқлашиш.
3. Сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар билан алмашиш.
4. Ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун биргаликда ўтказиладиган анжуман ва семинарлар ўтказиш.
5. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги

¹ “Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами”, 2009 йил, 2-3-сон, 75-бет.

тармоқларини ишлатиш тажрибаси ва потенциал имкониятларини ўрганиш учун икки мамлакат мутахассислари учун тренинг курсларини ташкил қилиш.

Ушбу Меморандум доирасидаги ҳамкорлик ҳар бир томон давлатларининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади ҳамда томонларнинг бошқа халқаро битимларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди¹.

¹ Сув ҳуқуқи. Дарслик / Профессор Ж.Т.Холмўминовнинг умумий таҳрири остида. Масъул муҳаррир: проф. М.Б.Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 289-315.

ХУЛОСА

Амалга оширилган малакавий битирув иши натижасида қуйидаги илмий-амалий хулосаларга келинди:

1. Сув ва сув ресурсларни тежаш бўйича ҳуқуқий нормаларни етарли даражада ишлаб чиқилмагани амалдаги сув қонунчилиги бажарилишига монелик қилаётган омиллардан бири саналади. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш тўғрисида”ги 385-сонли қарори янгиланиши ва тегишли қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилишини тақоза этади.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида бирлашмалар ва фуқаролар томонидан сув назоратини амалга оширишда иштирок этиш мумкинлигини назарда тутувчи қоидалар йўқ. Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоат бошқаруви ва назорати тўғрисидаги маълумотлар, сув мониторинги ва уларни баҳолаш масалалари эътиборга олинмаганлиги сабабли бу муносабатлар сув қонунчилигида ўз ифодасини топиши керак;

3. Сув ресурсларига етказилган зарарни қоплаш бўйича хўжалик судлари амалиётини ўрганиш, бу турдаги низоларни ҳал этиш бўйича ягона амалиёт мавжуд эмаслигидан далолат бермоқда. Амалдаги сув қонунчилигини таҳлили сув ресурсларига етказилган зарарни қоплаш масалалари ҳалигача тартибга солинмаганлигини кўрсатмоқда. Бу эса сув муносабатлари соҳасида ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлашда кўп қийинчиликлар туғдирмоқда. Бироқ сув ресурсларига етказилган зарарни қоплаш бўйича замонавий таксалар мавжуд эмас. Шу боис тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларига етказилган зарар учун жарима миқдорини аниқлаш бўйича такса ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир;

4. Бугунги кунда амал қилаётган сувга оид муносабатларни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноят ҳуқуқи нормалари бир қатор тўлдиришларни талаб этади. Хусусан, инсоният учун муҳимлиги ва ноёблиги билан боғлиқ сувлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш бўйича муносабатлар

қонунчиликда янада аниқ тушунчаларни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Экология соҳасидаги жиноятлар” бобида “Судан фойдаланиш қоидаларини бузиш” деб номланган янги моддани киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб,у Ўзбекистон Республикаси сув қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик” деб номланган моддани янада аниқлаштиради ва санкциясини белгилаб беради. Ушбу моддада сув қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни аниқ белгилаб берилиши лозим;

5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш фойдаланувчини суддан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларидан, шунингдек бу соҳадаги ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6. Маълумки, қишлоқ хўжалигида суддан асосий фойдаланувчилар фермер хўжаликлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида суддан фойдаланиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг суддан қатъий мақсад белгиланган ҳолда фойдаланишлигидадир. Қишлоқ хўжалигида суддан фойдаланиш ҳуқуқининг мақсадли хусусияти сув объектларини фермер хўжаликларига беришда аниқ мақсад ўрнатилишидан иборат деб ҳисоблаш мумкин. Сув қонунчилигида фермерларнинг суддан фойдаланиш ҳуқуқи етарлича тартибга солинмаган.

Шу сабабдан Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва суддан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига янги 47¹-модда, яъни, “Фермер хўжалигининг суддан фойдаланиш ҳуқуқи. Фермер хўжалиги белгиланган лимит асосида сув объектларидан фойдаланиш тартиби ва шартларига риоя этган ҳолда суддан ва сув хўжалиги иншоотларидан ҳақ эвазига ҳамда қатъий мақсад йўлида фойдаланади, таҳририда киритилиши керак”.Ушбу норманинг киритилиши қишлоқ хўжалигида суддан фойдаланишни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1.Каримов И.А. Ўзбекистан буюк келажак сари.– Т.: Ўзбекистон, 1999, 573 –бет.

1.2.Каримов И.А. “Орол муаммоларини бартараф этиш йўлидаги халқаро ҳамкорлик” мавзусида ўтказилган конференция иштирокчиларига табриги. // Халқ сўзи, 2008.-13 март.

1.3.Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ривожлантириш ёруғ келажакимиз асосий омилидир.//Халқ сўзи, 2013,7 декабрь

II.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

2.1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т.Ўзбекистон, 2013.- 40 б.

2.2.Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекси, Тошкент, Адолат (Кодекслар тўплами), 2013.

2.3.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Расмий нашр, Тошкент, Адолат, 2013.

2.4.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент, Адолат, 2013.

2.5.Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Тошкент, 2013.

2.6.Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1993.-№1.-38-модда.

2.7.Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1997. - №2. - 52-модда.

2.8.Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи-2003. - 23 январ.

2.9.Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1998.-№1.-14-модда.

2.10.Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби.Т., 1983; Т-2-Т., 1994.

2.11.Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1999.-№5.-122-модда.

2.12.Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1998.-№1.-12-модда.

2.13.Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1993.-№ 5.-221-модда.

2.14.Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1998.-№ 5-6. - 82-модда.

2.15.Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонуни.// Халқ сўзи. – 2005. – 6 январ.

2.16.Ўзбекистон Республикасининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1999.-№ 95.-223-модда.

2.17.Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 320-сонли қарори.// Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003,- 7-сон 65-модда.

2.18.Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 январдаги “Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги 11-сонли қарори.// Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 1998,- 1-сон 1-модда.

2.19.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли қарори билан тасдиқланган “Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тўғрисида”ги Намунавий низом // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003,- 7-сон 65-модда.

2.20.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ ва сув хўжалиги тўғрисида”ги низом. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003,- 6-сон 51-модда.

2.21.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли қарори билан тасдиқланган “Магистрал каналлар бошқармаси тўғрисида”ги Намунавий низом // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003,- 7-сон 65-модда.

2.22.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (“Давсувхўжаликназорат” инспекцияси) тўғрисида”ги Низом.// Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003,- 6-сон 51-модда.

2.23.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган “Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тўғрисида”ги Намунавий низом. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003,- 6-сон 51-модда.

2.24.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман қишлоқ ва сув хўжалиги

бўлими тўғрисида”ги Намунавий низом. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлар тўплами. 2003,- 6-сон 51-модда.

2.25.Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.Адолат, 1999.

2.26.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сонли қарори “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури”// Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 37-38-сон, 382-модда.

2.27.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003, 9-10-сон, 168-модда.

2.28.Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш харитаси. 1982 й, 28 октябр.

2.29.“Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами”, 2009 йил, 2-3-сон, 75-бет.

Ш.Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

3.1.Природноресурсовое право и правовая охрана окружающей среды.- М.:Юрид.лит.,1988.162-бет.

3.2.Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм.- Тошкент.:Адолат,1998.- 91-бет.

3.3.Экология ҳуқуқи: Дарслик /Масъул муҳаррир М.Б.Усмонов.- Тошкент., 2001.

3.4.Ер ҳуқуқи: Дарслик /Масъул муҳаррир М.Б.Усмонов.- Тошкент .,2002.

3.5.Сув ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррирлар М.Б.УсмоновЮ, Й.О Жўраев.- Тошкент .,2004.

3.6.Ўрмон ҳуқуқи Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Жўраев Й.О. ва бошқалар.- Тошкент , 2003.

3.7.Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳуқуқи: Дарслик.- Тошкент., ИИВ, 2003.

3.8.Сув ҳуқуқи. Дарслик / Профессор Ж.Т.Холмўминовнинг умумий

тахрири остида. Масъул муҳаррир: проф. М.Б.Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 289-315.

IV. Илмий адабиётлар ва мақолалар:

- 4.1.Абдуллаев О. Тошматов З. Ўзбекистон экологияси: бугун ва эртага. – Т., 1992.
- 4.2.Алимов. Т.А, Рафиков А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т.,1991.
- 4.3.Аюпов.У.Т. Лишение, ограничение и постанавление прав, связанных с природопользованием// Экологический вестник Узбекистана.-1196.-№ 3.- 26-28 стр.
- 4.4.Байсалов С.Б. Водное право Казахской ССР. - Алма-ата: Наука, 1966;
- 4.5.Жураев Ю.О. Вопросы право собственности на природные ресурсы в Узбекистане//Экономика и право. 2000, №3, 12-18 бетлар.
- 4.6.Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экономической политики Республики Узбекистан.-Т.: ТГЮИ, 2004, 246 бет;
- 4.7.Холмўминов Ж.Т. Эколога-правовые проблемы использования орошаемых земель в Республике Узбекистан.-Т., 1996.
- 4.8.Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун.-Т., 2000.
- 4.9.Холмўминов Ж.Т. Ресурслардан оқилона фойдаланиш.//Муҳофаза, 2004, № 2, 20-21 б.
- 4.10.Холмўминов Ж.Т. Перспективы развития и совершенствования водного законодательства Республике Узбекистан.// Философии и право. 2006, № 2, 76-79 стр.
- 4.11.Холмўминов Ж.Т., Тошбаева Р.С. Законодательные принципы ведения кадастров природных ресурсов.// // Философии и право. 2008, № 2, 69-71 стр.
- 4.12.Холмўминов Ж.Т. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва м уҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати. Т. Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008, 48-бет.
- 4.13.Холмўминов Ж.Т. Табий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий муаммолари.//Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009,

240 бет.

4.14.Холмўминов Ж.Т., Холмўминов О.Ж. Некоторые проблемы право собственности на землю и воды в Республике Узбекистан. //Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари.- Т, ТДЮИ. 2007, 24-32 бетлар

4.15.Холмўминов Ж.Т. Экологик қонун талабларини бузганлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2001, № 2, 17-бет.

4.16.Халмуминов Ж.Т. Реализация Конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2010. – № 1. – С. 24-28.

4.17.Колбасов О.С. Теоритические основы право пользования водами в СССР. - М.: Наука, 1972;

4.18.Калиниченко Т.Г. Право сельскохозяйственного водопользования- М.: Наука, 1989.

4.19.Жариков Ю.Г. Охрана права землепользования .М. Юрид. лит., 1974. 14-бет.

4.20.Жураев Ю.А. Вопросы право собственности на природные ресурсы в Узбекистане//Экономика и право. 2000, №3, 12-18 бетлар.

4.21.Файзиев Ш.Х. Теоритические проблемы правового обеспечения экономической политики Республики Узбекистан.-Т.: ТГЮИ, 2004, 246 бет.

4.22.Скрипников Н.К. Трансграничное водопользование в Центральной Азии (правовой аспект) - Т.: ТГЮИ 2004, 204 бет.

4.23.Скрипников Н.К. Право водопользования, водопотребления и охрана вод. - Тошкент, ТГЮИ, 2011, 382- бет.

4.24.Петров В.В. Экология и право.- М., 1981, 147-бет.

4.25.Правовое регулирование пользования и охраны водных и рыбных ресурсов Республике Узбекистан. Материалы круглого стола. отв. ред. доц. Н.К.Скрипников.Тошкент, ТГЮИ, 2006,-130 стр.

4.26. Ўзбекистонда атроф-муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: фактлар ва рақамлар. 2000-2004, Статистик тўплам, Тошкент, 2006, 106-бет.

V. Даврий нашр ва журналлар:

5.1. Ахмонов Н.Р. Тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш муаммолари. // ю.ф.н. дисс. Автореферати. Тошкент, 2007.

5.2. Тюльпанов Ф.М. Право водапользования сельскохозяйственных предприятий на материялах колхозов и совхозовт УзССР. // Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н. Алма-Ата, 1979.

5.4. Икромов Р.А. Фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини такомиллаштириш муаммолари. // ю.ф.н. диссертация Автореферати. Тошкент, 2006.

5.5. Мамараимов И.М. Экология қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни такомиллаштириш муаммолари. // ю.ф.н. диссертация Автореферати. Тошкент, 2004.

5.6. Холмўминов Ж.Т. Эколого-правовие рационального использования и охраны орошаемых земель в Республике Узбекистан. // Автореферат дисс. на соис. учен. степ. д.ю.н.. Алмаы, 1997.

5.7. Черкашина И.А. Право водапользования межхозяйственных сельскохозяйственных предприятий в современных условиях. // Автореферат дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н.. Алма-Ата, 1991.

5.8. Эшонқулова Л.П. Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи. // ю.ф.н. диссертация Автореферати. Тошкент, 1997.

5.9. Юсупов У.Ж. Право сельскохозяйственных водапользования в Киргизской Республике. // Автореферат дисс. на соис. учен. степ. к.ю.н.. Тошкент, 2008.

5.10. Ҳайитов Ҳ.Ш. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. // ю.ф.н. диссертация Автореферати. Тошкент,

2009.24-бет.

5.11.Текширувда аён бўлди.Тошкент оқшоми.//2014,30 апрель

5.12.Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш гарови.//

Халқ сўзи, 2014, 1 май

V1. Интернет сайтлари:

6.1. [http: // ziyonet.uz.](http://ziyonet.uz)

6.2. [http: // www.gov.uz.](http://www.gov.uz)

6.3. . [http: // www.gawater-info.net.](http://www.gawater-info.net)

6.4. [http: // www.lex.uz](http://www.lex.uz)